# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2022 ЙИЛ — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2022 йил 16 ноябрь, № 246 (8308) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЭНГ БЕБАҲО БОЙЛИГИМИЗ, ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗ, ЁРУҒ КЕЛАЖАГИМИЗ БУНЁДКОРЛАРИ



**Пойтахтимизда Кичик ёшдаги болаларни тарбиялаш ва таълим бериш бўйича Бутунжаҳон конференцияси бўлиб ўтмоқда.**

Халқаро конференцияда жаҳоннинг 150 га яқин мамлакатларидан тегишли вазирлар, идоралар вакиллари, халқаро ташкилотлар мутасаддилари, соҳа эксперт ва мутахассислари қатнашмоқда.

15 ноябрь куни ушбу нуфузли анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этиб нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари халқаро анжуманда иштирок этаётган юқори мартабали меҳмонларга, жумладан, ЮНЕСКО Бош директори Одри Азуле хонимга ўзининг самимий ҳурмати ва эзгу тилакларини билдирди.

Президент Шавкат Мирзиёев ўз нутқида ҳозирги вақтда дунё миқёсида кичик ёшдаги болаларни сифатли мактабгача таълим билан таъминлаш борасида қатор муаммолар мавжудлигини таъкидлади.

Кўплаб мамлакатларда қарийб 200 миллион бола мактабгача таълим билан қамраб олинмагани натижасида уларнинг бошланғич билим олиш имкониятлари чекланмоқда.

Ўз навбатида, кейинги бир неча йил давомида коронавирус пандемияси таълим соҳасига ҳам катта салбий таъсир кўрсатгани сир эмас.

→ 2

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ КИЧИК ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ ВА ТАЪЛИМ БЕРИШ БЎЙИЧА БУТУНЖАҲОН КОНФЕРЕНЦИЯСИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли конференция қатнашчилари!

Хонимлар ва жаноблар!

Сиз, азизларни Тошкент шаҳрида Кичик ёшдаги болаларни тарбиялаш ва таълим беришга бағишланган бутунжаҳон конференциясининг очилиши билан чин қалбимдан табриклайман.

Халқаро анжуманда иштирок этаётган юқори мартабали меҳмонларимизга, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, хорижий давлатлар вазирлари ва масъул вакилларига ўзимнинг самимий ҳурматим ва эзгу тилакларимни билдираман.

Ўзбекистон заминига хуш келибсиз, қадрли меҳмонлар!

Ҳурматли дўстлар!

Халқаро конференциянинг очилиш маросимида ЮНЕСКО Бош директори Одри Азуле хонимнинг шахсан иштирок этаётгани бизга алоҳида мамнуният бағишлайди.

Сўнгги йилларда ЮНЕСКО билан таълим, фан, маданий мерос, ахборот ва коммуникация соҳаларида ҳамкорлигимиз жадал ривожланиб бормоқда. Жумладан, мазкур ташкилот кўмагида юртимиздаги бутунжаҳон маданий мерос объектларини асраб-авайлаш, қадимий Буюк Ипак йўлида мавжуд бўлган маданий алоқаларни қайта тиклаш, таълим тизими сифатини ошириш ва баркамол авлодни тарбиялаш, Ўзбекистонда ёшларнинг меҳнат кўникмаларини ривожлантириш бўйича қатор муҳим дастур ва лойиҳалар самарали амалга ошириб келинмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, Азуле хонимга ва барча чет эллик ҳамкорларимизга бу муҳим ва шарафли ишга қўшаётган ҳиссалари учун ташаккур изҳор этаман.

Ҳурматли конференция иштирокчилари!

Ҳозирги вақтда дунё миқёсида кичик ёшдаги болаларни сифатли мактабгача таълим билан таъминлаш борасида қатор муаммолар мавжудлигини инкор этиб бўлмайди. Кўплаб мамлакатларда қарийб 200 миллион бола мактабгача таълим билан қамраб олинмагани натижасида уларнинг бошланғич билим олиш имкониятлари чекланмоқда.

Ўз навбатида, кейинги бир неча йил давомида коронавирус пандемияси таълим соҳасига ҳам катта салбий таъсир кўрсатгани сир эмас. Мана шундай синовлар даврида барча давлатларнинг яқин ҳамкорликни янада чуқурлаштириши, халқларимиз ўзаро бирлашиб, муаммоларни биргаликда ҳал этиши нақадар муҳимлигини яққол кўрсатмоқда.

Шу маънода, бугунги анжуманимиз ҳам Барқарор ривожланиш мақсадларининг муҳим йўналиши ҳисобланган болалар таълими масаласида барчамиз бир бўлиб, янги ёндашувлар ва ечимлар ишлаб чиқишимизга хизмат қилади, деб ишонаман.

Азиз дўстлар!

Биз "Инсон қадри, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари — олий қадрият", деган тамойилдан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимиз аҳолиси учун муносиб турмуш шароитини яратишни Янги Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгилаганмиз.

Бу борада, авваламбор, ёшлар ва болаларга эътибор ва амалий ғамхўрлик кўрсатиш, уларни жисмоний ва маънавий баркамол этиб тарбиялашга алоҳида аҳамият қаратмоқдамиз.

Болаларни кичик ёшдан бошлаб ривожлантириш, уларнинг ўқиши учун муносиб шарт-шароитлар яратиш орқали келажакда ёшларнинг ўзлигини тўла намоён этишига мустаҳкам замин яратяпмиз. Зеро, бу каби эзгу мақсадимиз йўлида сарфланган инвестициялар эртага бир неча баробар ортиғи билан қайтишига шубҳа йўқ.

Шу билан бирга, бола шахсиятининг асоси айнан мактабгача таълим ёшида шаклланиши, бу даврда унинг интеллектуал ва жисмоний камолоти учун пойдевор яратилиши ҳаммамизга яхши маълум.

**Ҳозирги пайтда юртимизда 3 миллионга яқин мактабгача ёшдаги болалар бор. Ҳеч шубҳасиз, улар бизнинг энг бебаҳо бойлигимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз, ёруғ келажагимиз бунёдкорларидир.**

Шуни ҳам айтиш жоизки, юртимизда яқин ўтмишда болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш кўрсаткичи 27 фоизга тушиб қолган эди. Деярли барча мактабгача таълим ташкилотларида замонавий технологиялар ва қўлланмалар йўқ, бинолари таъмирталаб эди. Бу эса болаларимизни тўлақонли сифатли таълим ва тарбия олишини чеклаган.

**(Давоми 2-бетда).**

## БИРГАЛИКДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР БИЛАН ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИГА ҚАРШИ ТУРИШ МУМКИН

*Шу кунларда Миср Араб Республикасининг Шарм аш-Шайх шаҳрида БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича доиравий конвенцияси томонларининг 27-конференцияси бўлиб ўтмоқда.*

### Мулоқот

Айтиш жоизки, бу тадбир иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатишга йўналтирилган илмий далил ва воситаларни баҳолаш бўйича илғор тажриба алмашиш майдони бўлиб хизмат қилиши билан алоҳида эътиборга молик. Зеро, унда иқлимга доир ечимларни амалга ошириш йўлидаги тўсиқлар кенг муҳокама қилинмоқда.

Мазкур конференция 1995 йилдан буён ҳар йили ўтказиб келинади. Бу галги анжуманда иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва уларга мослашиш бўйича лойиҳаларни молиялаштиришни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилаётир.

Тадбирда қатнашган делегациямиз раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан оқибати Марказий Осиёда ҳам яққол кузатилаётган иқлим ўзгаришига қарши туриш мумкинлигини алоҳида таъкидлади.

— Ўзбекистоннинг асосий мақсади — амалга оширилаётган таркибий ислоҳотларга "яшил иқтисодиёт" тамойилларини кенг жорий этиш орқали иқтисодий тараққиётга эришишдан иборат. Бу йўналишда иқтисодиётнинг барча секторида углероддан камроқ фойдаланишга ўтиш ва ресурсларни тежаш, самарали ва экологик тоза технологияларни қўллаш устувор йўналиш ҳисобланади, — деди Сенат Раиси.

Қайд этилганидек, Ўзбекистон Париж битими доирасида 2030 йилгача ЯИМ бирлигига "парник газлар" чиқаришни 35 фоизга камайтириш борасидаги мажбуриятини яна бир бор тасдиқлайди. Ушбу мақсадларга эришиш учун қайта тикланадиган энергия манбаларини жорий этиш бўйича кенг кўламли дастурларни амалга ошириш бошлаб юборилди.

→ 4

## ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ



**15 ноябрь куни Тошкентда ўтаётган Кичик ёшдаги болаларни тарбиялаш ва таълим бериш бўйича Бутунжаҳон конференцияси доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) Бош директори Одри Азуле билан учрашув ўтказди.**

Ўзбекистон билан БМТ тизимидаги ушбу нуфузли институт ўртасидаги конструктив ва самарали ҳамкорликни кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди.

Сермаҳсул шерикликнинг бугунги даражаси мамнуният билан қайд этилди. Мамлакат дастури ва қабул қилинган "Йўл харитаси"га мувофиқ қўшма дастур ва лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз илк бор Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш халқаро қўмитасининг аъзоси этиб сайланди. Бахшичилик санъати ва лазги рақси номоддий маданий мерос рўйхатига киритилди.

Ўзбекистонда тарихий мерос объектларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича халқаро маслаҳат қўмитаси фаолияти ва Минтақавий гуманитар ҳамкорликка оид "Хива жараёни" йўлга қўйилди.

ЮНЕСКО, шунингдек, мамлакатимизнинг қишлоқ жойларида профессионал таълим тизимини ривожлантиришга техник кўмак кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, ҳамкорликнинг устувор йўналишларида қўшма тадбирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Учрашувда Одри Азуле Ўзбекистонда ёшларни қўллаб-қувватлаш, болаларга тарбия ва таълим бериш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларни юксак баҳолади ҳамда улар, халқаро миқёсда солиштирилганда, энг самарали бўлаётганини таъкидлади.

Бош директор мактабгача таълимни ривожлантириш масалаларига бағишланган Тошкент халқаро конференцияси муваффақиятли ўтказилгани билан табриклади.

Янги Мамлакат дастурини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Тошкент шаҳрида ЮНЕСКОнинг минтақавий марказини очишга, шунингдек, самарали ҳамкорлик доирасида қўшма ташаббус ва илғор лойиҳаларни илгари суриш бўйича янгиланган "Йўл харитаси"ни тайёрлаш ва қабул қилишга келишиб олинди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

## ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИКЛАРНИ ОШИРИШ ЧОРАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёевга тадбиркорлик фаолиятини соддалаштириш бўйича қилинаётган ишлар ҳақида ахборот берилди.**

Тадбиркорликни ривожлантириш давлатимиз иқтисодий сиёсатининг устувор йўналиши. Бу борада яратилаётган шароитлар туфайли ишбилармонлар кўпайиб бормоқда. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг ярмидан кўпи кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилмоқда. Экспортда ҳам уларнинг ўрни юқори.

Бугунги кунда бизнесни тартибга солувчи 6 мингдан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ва 40 мингта техник ҳужжатлар мавжуд. Айрим эски талаблар янги маҳсулотлар, технологиялар ва хизматларни жорий этишни қийинлаштирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, Тараққиёт стратегиясининг "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили"да амалга оширишга оид Давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда тадбиркорларнинг замонавий фаолият юритишига тўсқинлик қилаётган талаблар қайта кўриб чиқилиб, бир қатор енгилликлар жорий қилинди.

Хусусан, тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш воситалари аниқ белгиланди. Булар давлат рўйхатидан ўтказиш, лицензиялаш ва рухсат бериш, техник тартибга солиш, тариф ва нотариф тартибга солиш, мажбурий суғурта, давлат назорати, рақобатни ҳимоя қилиш, жавобгарлик ўрнатиш кабилардир.

Таҳлиллардан келиб чиқиб кўплаб тартиб-таомиллар ҳам қисқартирилди. Масалан, тадбиркорлик субъектининг устав фонди камайтирилаётганида кредиторларни ёзма равишда хабардор қилиш, электр энергияси ортиқча истеъмол қилинганида уни узиб қўйиш, якка тартибдаги тадбиркор томонидан ёлланган ходимларни солиқ органларида алоҳида ҳисобга қўйиш каби жараёнлар кўп оворагарчиликка сабаб бўляпти. 2023 йил 1 январдан бундай мажбурий талаблар бекор қилинади.

Шунингдек, тадбиркорлик соҳасидаги мажбурий талабларнинг ягона реестрини жорий қилиш мўлжалланган. У икки босқичда қилиниб, 2025 йил 1 июлдан тўлиқ ишга туширилади. Бу реестрга киритилмаган талаблар бўйича тадбиркорга нисбатан жавобгарлик белгилаш тақиқланади.

Президентимиз шу йил 22 август куни бўлган тадбиркорлар билан очиқ мулоқотда соҳани рақамлаштириш, ҳужжатларни қоғоз шаклида сақлашни камайтириш бўйича кўрсатмалар берган эди.

Илгари амал қилган тартибга кўра, юридик шахснинг иш ҳақлари ва бошқа даромадлари, улар бўйича ҳисобланган солиқ суммалари тўғрисидаги ҳужжатлар 75 йил давомида қоғоз ҳолида сақланиши керак эди. Улар солиқ идоралари базасида борлиги учун янги Фармон билан уларни қоғозда сақлаш бекор қилинди. Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари ўзларининг ички бухгалтерия бирламчи ҳужжатларини ахборот тизимлари орқали тузганда, уларни қоғоз шаклида юритишдан озод этилмоқда. Бу ўзгаришлар натижасида 587 мингта корхона қоғозбозликдан қутулиб, иши енгиллашади.

Шунингдек, 2023 йил 1 январдан бошлаб солиқ органларига молиявий ҳисоботларни ҳар чоракда тақдим қилиш, 9 хил статистика ҳисоботларини топшириш амалиёти бекор қилинди.

Давлатимиз раҳбари мутасаддиларнинг ахборотини тинглаб, ушбу Фармон ижросини самарали ташкил этиш, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини юритишни соддалаштириш, қулай бизнес муҳитини яратиш ишларини изчил давом эттиришга кўрсатма берди.

**ЎзА.**

### Нигоҳ

## ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ АРХИТЕКТУРАСИ

### ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ УМУМИЙ РИВОЖЛАНИШГА АСОС БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА.



*Йил тугашига ҳали бир ярим ой қолган бўлса-да, олдиндан шуни дадил айтиш мумкинки, 2022 йилнинг энг муҳим жиҳати — Ўзбекистон нафақат минтақада, балки ундан ташқаридаги ахборот майдонида ҳам устувор ўрин эгаллаб келгани бўлди. Буни мамлакатимизда муваффақиятли ўтказилган нуфузли анжуманларнинг мисли кўрилмаган натижалари ҳам тасдиқлаб турибди. Ўзбекистон кейинги олти йилда сазовор бўлган кенг кўламли ва жадал ислоҳотлар мамлакати деган сифатига яна бир — жаҳондаги энг муҳим интеграцион бирлашмаларга аъзо давлатларнинг келажаги белгиланадиган марказ деган мақомни ҳам қўшишга ҳақли.*

→ 3

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ КИЧИК ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ ВА ТАЪЛИМ БЕРИШ БЎЙИЧА БУТУНЖАҲОН КОНФЕРЕНЦИЯСИДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ҳолбуки, фарзандларимиз тарбиясида энг асосий бўғин ҳисобланган мактабгача таълим тизимининг ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди.

Биз ислоҳотларнинг биринчи кунлариданоқ мавжуд таълим соҳасини, хусусан, мактабгача таълимни тубдан модернизация қилишга қарор қилдик.

Шу мақсадда юртимиз тарихида илк бор алоҳида Мактабгача таълим вазирлигини ташкил этдик.

Боғчаларни замон талабларига мос равишда янги босқичга кўтариш, илғор тарбия услублари ва методикаларини кенг қўллаш, моддий-ўқув базасини кучайтиришга катта эътибор қаратмоқдамиз.

Соҳани кенг ривожлантириш учун хусусий сектор кириб келишига ҳам қулай шарт-шароитлар яратиб бердик. Боғчаларда ҳар бир тарбияланувчи бола учун Давлат бюджети ҳисобидан субсидиялар берила бошланди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда боғчалар сони 6 баробар кўпайди. Олис ва чекка ҳудудларда минглаб оилавий боғчалар ташкил этилди. Тарбиячи ва педагоглар сони ҳам 3 баробар ўсиб, 160 мингга етди. Шунингдек, педагог кадрларнинг малакасини тизимли ошириб бориш ишлари ҳам йўлга қўйилди.

Ушбу чоралар натижасида боғчаларда таълим ва тарбия оладиган болалар сони 600 мингдан 2 миллионга етказилиб, қамров кўлами 70 фоизга чиқди.

Ҳурматли анжуман қатнашчилари!

**“Таълим ва тарбияда танаффус бўлмайди”**, деган ҳикматли ибора сизларга яхши таниш.

Шу сабабли биз Ўзбекистонда олиб бораётган демократик ислоҳотларимиз жараёнида таълим тизимини замонавий талаблар даражасига кўтаришга устувор аҳамият қаратмоқдамиз. Жумладан, ҳозирги вақтда мамлакатимизда 10 мингдан ортиқ ўрта таълим мактаблари фаолият кўрсатмоқда.

Кейинги йилларда олий ўқув муассасалари сони қарийб 2,5 баробар кўпайиб, 186 тага етди. Уларнинг 31 таси дунёдаги етакчи университет ва институтларнинг филиалларидир. Олийгоҳларга қабул квотаси 3,5 баробар ортганини, олий таълим қамрови эса 9 фоиздан 38 фоизга ошганини қайд этиш лозим.

Сизларга яхши маълумки, Буюк Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган мамлакатимиз қадимдан жаҳон цивилизацияси ва маданияти ривожига муносиб ҳисса қўшиб келади.

Диёримиздан етишиб чиққан атоқли алломалар, алгебра фани ва алгоритм тушунчасига асос солган Ал-Хоразмий, минералогия фанининг тамал тошини қўйган Ал-Беруний, дунёда Авиценна номи билан танилган машҳур тиббиёт олими Ибн Сино, 1018 та юлдузнинг координатларини ва ҳаракатини аниқ белгилаб берган буюк астроном Мирзо Улуғбек, Нил дарёсининг сатҳини ўлчовчи ноёб ускуна яратган аллома Аҳмад Фарғоний каби улуғ аждодларимиз ўзларининг бебаҳо асарлари, илмий ва ижодий кашфиётлари билан Ўрта асрлардаги Биринчи ва Иккинчи Шарқ Ренессанси ривожига улкан ҳисса қўшганлар.

Бу ҳақда сўз борар экан, ўтмишда Бухорода 300 дан ортиқ, Самарқандда эса 120 га яқин ўз даврининг университетлари бўлган мадрасалар фаолият кўрсатганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Азал-азалдан бизнинг юртимизда таълим билан бирга тарбия масаласига беқиёс аҳамият бериб келинади. Буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ҳар томонлама уйғун ривожланган, юксак билим ва маънавият соҳиби бўлган комил инсон ғоясини илгари сургани сизларга яхши маълум.

XX аср бошида фаолият кўрсатган улуғ маърифатпарвар, атоқли адиб ва педагог Абдулла Авлонийнинг **“Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир”**, деган сўзлари биз учун бугунги кунда ҳам муҳим дастур бўлиб хизмат қилмоқда.

Биз юртимизда Учинчи Ренессансни барпо этиш масаласини стратегик вазифа сифатида олдимизга қўйиб, уни миллий ғоя даражасига кўтармоқдамиз. Мактабгача таълим ва мактаб таълими, олий ва ўрта махсус таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларни бўлғуси Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқаси, деб биламиз. Боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлиларимизни эса янги Уйғониш даврининг тўрт таянч устуни, деб ҳисоблаймиз.

Бу борада биз ўзимизнинг миллий тажрибамиз ва жаҳондаги илғор ютуқларни уйғунлаштирган ҳолда фаолият олиб борамиз.

Барчамизга аёнки, таълим ва тарбия бор жойда албатта илм, албатта маданият ва тараққиёт бўлади. Таълим ва тарбия ривожланган жамиятда радикализм ва экстремизм кайфиятлари ҳеч қачон илдиз отолмайди.

Биз келгусида ҳам бу йўлда бошлаган ишларимизни изчил давом эттириб, 2025 йилда болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини 80 фоизга етказиш учун барча зарур чораларни амалга оширамиз.

Бундан ташқари, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларида белгиланган кўрсаткичларга эришиш доирасида 2025 йилга қадар 6 ёшли болаларнинг 100 фоизини мактабга тайёргарлик дастури билан қамраб олишни мақсад қилиб олганмиз.

Ҳурматли тадбир иштирокчилари!

Анжуманимизда жаҳоннинг 150 га яқин мамлакатидан вакиллар ташриф буюргани бугунги кунда мактабгача таълим соҳасини ривожлантириш глобал даражада долзарб аҳамиятга эга эканидан яққол далолат беради.

Ишончим комил, мазкур конференция бутун дунёда 2030 йилга қадар мактабгача таълим соҳасига оид сиёсатни белгилаб олиш ва шу орқали ёш болаларга сифатли таълим бериш йўлида халқаро ҳамкорликни янада кенгайтиришда янги имкониятлар яратади. Шулардан келиб чиқиб, биз қуйидаги муҳим таклифларни илгари суришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

**Биринчидан**, шиддатли дунёда турли хавф-хатарлар кучайиб бораётган давримизда энг заиф қатлам бўлган мактабгача ёшдаги болалар ҳам жиддий азият чекмоқда.

Шу сабабли кичик ёшдаги болалар учун сифатли таълим бериш муаммоларини глобал даражада самарали ҳал этиш, бу масалаларга биргаликда тезкор ечимлар ва тизимли ёндашувларни ишлаб чиқиш жуда долзарбдир. Буни инобатга олиб, мазкур халқаро конференцияни мунтазам равишда ўтказиб боришни таклиф этамиз.

**Иккинчидан**, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларига уйғун бўлган таълим бўйича барча саъй-ҳаракатларимизни тизимли мувофиқлаштириш мақсадида Тошкентда ЮНЕСКОнинг минтақавий марказини ташкил этиш ташаббусимизни маъқуллайсизлар, деб ишонаман.

Шунингдек, Кичик ёшдаги болалар таълими бўйича жаҳон ташкилоти билан қўшма лойиҳа ва тадқиқотларни олиб бориш, тарбиянинг янгича услубларини ва методик қўлланмаларни тайёрлаш учун кенг қамровли дастурни ишлаб чиқишни таклиф этаман.

Шу билан бирга, мазкур йўналишда жаҳонда тўпланган илғор тажрибалар, замонавий интерактив ўқитиш услублари, амалий билим ва кўникмалар билан ўзаро алмашиш мақсадида Тарбиячилар халқаро ҳамжамиятини ташкил этиш ташаббусини илгари сурамиз.

**Учинчидан**, 2024 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан ўтказиладиган Келажак саммитининг умумий кун тартибидаги асосий мавзулардан бири сифатида кичик ёшдаги болаларни тарбиялаш ва таълим бериш масаласини киритиш ҳамда унга алоҳида сессияни бағишлаш муҳимдир.

Бугунги конференция якунлари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг болалар тарбияси масалалари умумбашарий тараққиётга эришишнинг муҳим омили экани тўғрисида махсус резолюциясини қабул қилишни таклиф этиш айни муддао бўлар эди. Ушбу ҳужжатда ота-оналарни болаларнинг сифатли таълим ва тарбия олиши, маънавий ва жисмоний баркамоллигини таъминлашдаги ролини, уларнинг қобилият ва салоҳиятларини тўлиқ намоён этиш борасидаги масъулиятини янада ошириш каби масалалар ўз ифодасини топиши лозим.

Муҳтарам хонимлар ва жаноблар!

Бугунги конференция қизғин мунозара ва ўзаро фикр алмашувлар руҳида ўтишига, унда янги ғоя ва ташаббуслар, аниқ таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилишига ишонаман.

Анжуман якунлари бўйича қабул қилинадиган Тошкент декларацияси келгусида ушбу йўналишда биз биргаликда амалга ошириладиган саъй-ҳаракатларимиз учун асос бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Фурсатдан фойдаланиб, барчангизга мустаҳкам саломатлик ва омадлар, анжуман ишига эса улкан муваффақиятлар тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

# ЭНГ БЕБАҲО БОЙЛИГИМИЗ, ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗ, ЁРУҒ КЕЛАЖАГИМИЗ БУНЁДКОРЛАРИ



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

← 1 — Мана шундай синовлар даврида барча давлатларнинг яқин ҳамкорликни янада чуқурлаштириши, халқларимиз ўзаро бирлашиб, муаммоларни биргаликда ҳал этиши нақадар муҳимлигини яққол кўрсатмоқда.

Шу маънода, бугунги анжуманимиз ҳам Барқарор ривожланиш мақсадларининг муҳим йўналиши ҳисобланган болалар таълими масаласида барчамиз бир бўлиб, янги ёндашувлар ва ечимлар ишлаб чиқишимизга хизмат қилади, деб ишонаман, — деди давлатимиз раҳбари.

Дарҳақиқат, болалик — ҳаёт уммонининг мусаффо сарчашмаси. Бу давр ҳар бир мурғак қалб учун ташвишлардан йироқ, беғуборлик ва эзгуликка тўла палладир. Болаларнинг баҳор тонги мисол соф қалби фақат яхшиликларга йўғрилган бўлади. Уларни асраш, билимлар билан бойитиш, маънавий юксалтириш ва катта ҳаётга тайёрлаш доим долзарб масала бўлиб келган.

Бинобарин, бу борадаги барча ишлар замирида ҳаётни, унинг давомийлигини асраб-авайлаш моҳияти мужассамдир. Баркамол авлодни улғайтиришга берилаётган ҳар қандай эътибор эса юрт равнақи учун қўйилаётган мустаҳкам пойдевор ҳисобланади.

Барча соҳада тараққиётнинг янги босқичига кўтарилган Ўзбекистонда бугун навқирон авлодга энг бебаҳо бойлигимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз, ёруғ келажагимиз бунёдкорлари сифатида қаралмоқда. Уларнинг соғлом туғилишидан тортиб, сифатли таълим олиши, тўкис шароитларда фаровон яшаши, мазмунли ҳордиқ чиқаришигача давлатимиз эътиборида бўлиб келмоқда.

Айниқса, кейинги беш-олти йилда мамлакатимизда мактабгача таълимнинг инсон камолотидаги беқиёс аҳамияти инобатга олиниб, болаларни кичик ёшданоқ боғча тарбиясига қамраб олиш масаласига алоҳида аҳамият бериляпти. Мактабгача таълим вазирлиги тузилди. Болаларни мактабга тайёрлаш бўйича муқобил, мослашувчан моделлар ҳаётга татбиқ қилинди.

Бугун тизимда амалга оширилаётган ишлар, истиқболли ёндашувлар ва қисқа фурсатда қўлга киритилаётган ютуқлар дунё жамоатчилиги, соҳа экспертлари ва мутахассислари томонидан кенг эътироф этилмоқда. Болаларни мактабгача таълим билан қамраб олишда Ўзбекистон тажрибаси дунёнинг кўплаб давлатлари учун намуна сифатида тавсия қилиняпти.

Яқинда дунёга машҳур “Finance Inquirer” нашри Марказий Осиё тадқиқот гуруҳи (RGCA) халқаро изланишлари натижалари ва ЮНИСЕФ, Жаҳон банки ҳамда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD) маълумотларига таяниб, болаларни мактабгача таълим муассасаларига жалб қилиш бўйича энг яхши динамикага эга бўлган дунёдаги пешқадам 10 та давлатни эълон қилди. Қувонарлиси, Ўзбекистон мазкур рейтингда биринчи ўринда қайд этилди.

Ҳисобот 2018 йилдан 2020 йилгача бўлган даврда мактабгача таълимнинг узоқ муддатли тенденцияларининг умумий кўринишини ўз ичига олади. Мақолада келтирилган маълумотларга кўра, аксарият ҳудудларда мактабгача таълим тизими ривожланиши тўхтаб қолган ёки пасайиш ҳолатида, бир қатор мамлакатларда эса таъсирчан ўсиш кузатилмоқда. Энг ёрқин мисол Ўзбекистон бўлиб, бу ерда 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларни мактабгача таълим билан қамраб олишнинг ўсиш динамикаси кўриб чиқилаётган даврда 59 фоизни ташкил этди.

Тошкентда ўтаётган дунёда 2030 йилга қадар мактабгача таълим соҳасига оид сиёсатни белгилаб олиш ва бу борадаги халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган конференция айнан Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш ва тарғиб қилишдек эзгу мақсадларни ҳам кўзлайди.

Айтиш керакки, ушбу тизимдаги юксалиш ўз-ўзидан рўй бераётгани йўқ. Бундан беш-олти йил олдинги таҳлиллар республика бўйича болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олиниши 27 фоизга тушиб қолганини, сўнгги 20 йил давомида давлат тасарруфидаги мактабгача таълим муассасалари сони 45 фоиздан зиёдроқ камайганини, олис қишлоқ ва овулларда ҳатто бундай масканларнинг йўқлигини, мавжудларининг ҳам моддий-техника базаси замон талабларига жавоб бермаслигини кўрсатарди.

Мактабга тайёрлаш бўйича аниқ дастур ва замонавий қўлланмалар йўқлиги боис аксарият боғчалар болалар тўрт девор орасида ота-онасининг ишдан келишини кутиб вақтини ўтказадиган даргоҳларга айланиб қолганди.

Бугун навқирон авлодни мактабгача таълим билан қамраб олиш келажагимизга дахлдор долзарб масала сифатида давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Боғчаларда замон талабларига мос шароитларни ҳозирлаш, илғор тарбия услублари ва методикаларини кенг қўллаш, ўқув-моддий базасини кучайтиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Қамров даражасини янада ошириш, рақобатдошликни кучайтириш мақсадида соҳага хусусий сектор жалб қилинган. Ҳар бир тарбияланувчи бола учун Давлат бюджети ҳисобидан субсидиялар бериш йўлга қўйилди. Натижада сўнгги йилларда мактабгача таълим муассасалари сони 6 баробарга кўпайди. Тарбиячи ва педагоглар сони ҳам 3 баробарга ўсиб, 160 мингга етди. Шу тариқа 2 миллион нафар бола мактабгача таълим билан қамраб олинди.

Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилиб, 2025 йилда болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини 80 фоизга етказиш режалаштирилган. Бундан ташқари, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларида белгиланган кўрсаткичларга эришиш доирасида 2025 йилга қадар 6 ёшли болаларнинг 100 фоизини мактабга тайёргарлик дастурига жалб этиш мақсад қилинган.

Ўзбекистон Президенти соҳада халқаро ҳамкорликни кенгайтириш бўйича муҳим ташаббусларни илгари сурди. Жумладан, кичик ёшдаги болалар учун сифатли таълим муаммоларини глобал даражада самарали ҳал қилиш, биргаликда тезкор ечимлар ва тизимли ёндашувлар ишлаб чиқиш мақсадида мазкур халқаро конференцияни мунтазам равишда ўтказиб бориш таклифини билдирди.

БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига уйғун бўлган таълим бўйича барча саъй-ҳаракатларни тизимли мувофиқлаштириш мақсадида Тошкентда ЮНЕСКОнинг минтақавий марказини ташкил этиш ташаббусини илгари сурди.

Кичик ёшдаги болалар таълими бўйича жаҳон ташкилоти билан қўшма лойиҳа ва тадқиқотларни олиб бориш, тарбиянинг янгича услубларини ва методик қўлланмаларни тайёрлаш учун кенг қамровли дастурни ишлаб чиқиш таклиф этилди.

Соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий интерфаол ўқитиш услублари, амалий билим ва кўникмалар билан ўзаро алмашиш мақсадида тарбиячилар халқаро ҳамжамиятини ташкил этиш ташаббуси билдирилди.

2024 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан ўтказиладиган Келажак саммитининг умумий кун тартибидаги асосий мавзулардан бири сифатида кичик ёшдаги болаларни тарбиялаш ва таълим бериш масаласини киритиш ҳамда унга алоҳида сессияни бағишлаш муҳимлиги қайд этилди.

Конференция якунлари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг болалар тарбияси масалалари умумбашарий тараққиётга эришишнинг муҳим омили экани тўғрисидаги махсус резолюциясини қабул қилиш айни муддао бўлиши таъкидланди.

Конференция турли мавзулардаги шуъба йиғилишлари билан давом этди. Анжуман якунлари бўйича Тошкент декларацияси қабул қилинади.

Болаларни кичик ёшданоқ мактабгача таълим ташкилотларига қамраб олиш, уларнинг бу масканларда сифатли овқатланиши, умуминсоний қадриятлар руҳида тарбияланиши, ёшига мос замонавий билимлар ўрганиши, ҳордиқ чиқариши масалалари глобал миқёсда муҳокама қилинаётгани бежиз эмас. Зеро, инсон ўз умри давомида оладиган барча ахборотнинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврда эгаллайди.

Бугун қулай шароитларда маҳоратли педагоглардан таълим-тарбия олаётган бола эртага билимли, Ватанига садоқатли, жисмонан ва маънан баркамол инсон бўлиб улғаяди.

Президентимиз таъкидлаганидек, таълим ва тарбия бор жойда, албатта илм, албатта, маданият ва тараққиёт бўлади.

**Дилшод КАРИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ — УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМНИНГ АСОСИ

*Шу йилнинг 15 ноябрь куни Тошкентда ЮНЕСКОнинг Кичик ёшдаги болаларни тарбиялаш ва таълим бериш бўйича Бутунжаҳон конференцияси (Глобал форум) ўз ишини бошлади.*

## Дунё нигоҳи

Анжуман 2030 йилгача мактабгача таълим соҳасида сиёсатни белгилашда халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган. Форум ишида ЮНЕСКО Бош директори Одри Азуле, 150 га яқин давлатлардан вазирлар, халқаро ташкилотларнинг расмий вакиллари, экспертлар қатнашмоқда.

Анжуманнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида юртимизда учинчи Ренессансни барпо этиш масаласи стратегик вазифа сифатида қўйилганини, у миллий ғоя даражасига кўтарилгани, мактабгача таълим ва мактаб таълими, олий таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасалар бўлғуси Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқаси, деб билинишини, боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлиларимизни эса янги Уйғониш даврининг тўрт таянч устуни, деб ҳисобланишини алоҳида қайд этди.

Президентимиз бу борадаги халқаро ҳамкорликни кенгайтириш бўйича муҳим ташаббусларни илгари сурди. Хусусан, мактабгача ёшдаги болаларни сифатли таълим билан таъминлаш муаммоларини жаҳон миқёсида самарали ҳал этиш, ҳамкорликда тезкор ечимлар ва тизимли ёндашувларни ишлаб чиқиш мақсадида мунтазам равишда халқаро конференция ўтказиш таклиф этилди. БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларига мувофиқ, таълим соҳасидаги саъй-ҳаракатларни тизимли мувофиқлаштириш мақсадида Тошкент шаҳрида ЮНЕСКОнинг минтақавий марказини ташкил этиш ташаббуси илгари сурилди. Кичик ёшдаги болалар таълими бўйича жаҳон ташкилоти билан қўшма лойиҳа ва тадқиқотларни олиб бориш, тарбиянинг янгича услубларини қўллаш ва методик қўлланмаларни тайёрлаш учун кенг қамровли дастурни ишлаб чиқиш зарурлиги қайд этилди. Бу йўналишда жаҳонда тўпланган илғор тажрибалар, замонавий интерфаол ўқитиш услублари, амалий билим ва кўникмаларни ўзаро алмашиш мақсадида Тарбиячилар халқаро ҳамжамиятини ташкил қилиш таклиф этилди.

БМТнинг 2024 йилда бўлиб ўтадиган Келажак саммити умумий кун тартибининг асосий мавзуларидан бирига ёш болаларни тарбиялаш ва ўқитиш масаласини киритиш муҳимлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг нутқи хорижлик форум иштирокчилари ва экспертларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

**Эмин АМРУЛЛАЕВ, Озарбайжон фан ва таълим вазири:**

— Тошкентда бўлиб ўтаётган анжуман жаҳон миқёсида аҳамиятга эга бўлиб, барча давлатлар учун соҳанинг долзарб масалаларини муҳокама



қилиш, ўзаро тажриба алмашиш учун қулай майдондир. Фурсатдан фойдаланиб, ушбу форумни юқори савияда ташкил этгани учун Ўзбекистон ҳукуматига миннатдорлик билдираман. Бундай тадбирлар жуда фойдали ва зарурдир.

Мактабгача таълим — умумтаълимнинг асоси. Таълимга сармоя киритиш мамлакат келажаги учун қўйилган мустаҳкам пойдевор ҳисобланади. Шу муносабат билан, биз бу ерда йиғилганимиздан мамнунман ва конференция жуда кўп фойдали маълумотларни беради, деб ишонаман.

Ўзбекистон билан икки томонлама алоқаларимиз барча соҳада, жумладан, таълим соҳасида ҳам муваффақиятли ривожланиб, кўламлари кенгайиб бормоқда. Шу ўринда Қорабоғнинг Фузулий вилоятида келгуси йилда фойдаланишга топшириладиган ўрта мактаб қуришни таклиф қилган Ўзбекистон томонига миннатдорлик билдираман. Мамлакатингизга сафарим доирасида ўзбекистонлик ҳамкасбим Бахтиёр Саидов билан мазмунли учрашув ўтказдик. Мулоқот чоғида мамлакатларимиз икки томонлама ҳамкорликни, жумладан, таълим соҳасидаги алоқаларни ривожлантиришда катта салоҳиятга эга экани таъкидланди.

**Ҳасан РИЗАЛ, Бангладеш таълим вазирининг ўринбосари:**

— Делегациямиз, аввало, Ўзбекистон Мактабгача таълим вазирлигига самимий қабул ва меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдиради. Ушбу конференциядаги иштирокимиз доирасида ўз тажрибамизни ҳамда мамлакатимиздаги таълим тизимини ривожлантириш тажрибасини ўртоқлашмоқчимиз. Биз кўплаб мамлакатларда қўлланилганидек, болаларни 5-6 ёшдан эмас, балки 3-4 ёшдан ўқитишни йўлга қўйишни таклиф қиламиз.

Бангладешда 65 мингга яқин болалар боғчалари мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси профессионал тарзда ишлайди, ҳар бир болага алоҳида ғамхўрлик кўрсатилади.



Мактабгача таълим вазирлигини ташкил қилиш бўйича Ўзбекистон тажрибасини ўрганишни режалаштирганимизни ҳам алоҳида қайд этишни истар эдим.

**Лариса ШЕВЧЕНКО, ЮНЕСКО шафелигидаги Бутунжаҳон мактабгача таълим ташкилоти ОМЕП Россия қўмитаси президенти, Москвадаги “Болалик олами” хусусий болалар боғчалари тармоғи директори:**



— Ташкилотимиз мактабгача таълим соҳасидаги лойиҳаларни илгари суриш ва ривожлантиришга ихтисослаштирилган. Инновацион ривожланиш соҳасида биз сифат менежменти тизими бўлган ISO 2001-2015 апробация усулини қўллаймиз. Бу бизга ҳар қандай лойиҳани амалда бажаришга ёрдам беради, яъни замонавий таълим усулларини тушунарли тилда синаб кўрамиз ва мактабгача таълимда ушбу усулдан фойдаланамиз.

Мазкур форум доирасида ташкил этилаётган кўргазмадаги иштирокимиз ҳақида гапирадиган бўлсак, бу борада ҳамкорлар билан алоқа ўрнатишни истар эдик. Ўзбекистонда ҳамкасбларимиз иш амалиётимизга катта қизиқиш билдираётгани, стендимиз билан астойдил танишаётгани, биз билан ҳамкорликни йўлга қўйиш истагида эканини бизни беҳад қувонтирмоқда. Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан ҳамкорликда лойиҳалардан бирини албатта амалга оширамиз, деб ўйлайман.

**Зейн Ал-ОБИДИН, Малайзиянинг Негери-Сембилан штати қироллик оиласи шаҳзодаси:**

— Аввало, барчани Тошкент шаҳрида ЮНЕСКОнинг Кичик ёшдаги болаларни тарбиялаш ва таълим беришга бағишланган II Бутунжаҳон конференцияси муваффақиятли иш бошлагани билан табриклайман.

Ўзбекистон Президенти таъкидлаганидек, бугунги кунда бутун дунёда кичик болаларга сифатли таълим-тарбия бериш борасида қатор муаммолар мавжуд. Кўпгина мамлакатларда 200 миллионга яқин болалар мактабгача таълимга жалб этилмагани уларнинг бошланғич таълим олиш имкониятини чеклайди. Коронавирус пандемияси бу соҳага катта салбий таъсирини кўрсатди.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда таълим соҳасини, айниқса, мактабгача таълим тизимини модернизация қилиш борасида амалга оширилаётган муваффақиятли қадамларни алоҳида таъкидлаш жоиз. Ихтисослаштирилган Мактабгача таълим вазирлигини ташкил этиш, боғчалар фаолиятини замон талаблари асосида такомиллаштириш ва сонини кўпайтириш, таълимнинг илғор усулларини кенг қўллаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасидаги аниқ чора-тадбирлар эътиборга молик.

Мазкур чора-тадбирлар натижасида боғчаларда таълим ва тарбия олаётган болалар сони 600 минг нафардан 2 миллион нафарга кўпайгани, уларни қамраб олиш даражаси 70 фоизга етгани қувонарлидир.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг мазкур халқаро конференцияни мунтазам ўтказиш, 2024 йилда бўлиб ўтадиган БМТнинг Келажак саммити умумий кун тарти-



бининг асосий мавзуларидан бирига мактабгача таълим масаласини киритиш борасидаги ташаббуслари, айниқса, аҳамиятга молик.

Малайзиянинг манфаатдор вазирлик ва идораларини тадбир якунлари ва мамлакатларимиз ўртасида тажриба алмашишни кучайтириш бўйича Ўзбекистоннинг илғор тажрибаси билан таништириш ниятидаман.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу тадбирга таклиф этишгани ва меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдираман. Мамлакатингиз бизни ўзгача самимийлик ва некбинлик билан қабул қилди, буни мен юртингизнинг ўзига хос “ташриф қоғози” деб қабул қилдим.

Ўзбекистонга таълим соҳасидаги ислоҳотлар дастурини амалга оширишда, жумладан, болаларнинг сифатли таълим олиш ҳуқуқларини таъминлашда янада улкан муваффақиятлар тилайман.

**Замира АЗИЗХОНОВА,**
**«Дунё» АА.**

# ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ АРХИТЕКТУРАСИ

## ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ УМУМИЙ РИВОЖЛАНИШГА АСОС БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА.

**Биз юртимизда Учинчи Ренессансни барпо этиш масаласини стратегик вазифа сифатида олдимизга қўйиб, уни миллий ғоя даражасига кўтармоқдамиз. Мактабгача таълим ва мактаб таълими, олий ва ўрта махсус таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларни бўлғуси Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқаси, деб биламиз. Боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлиларимизни эса янги Уйғониш даврининг тўрт таянч устуни, деб ҳисоблаймиз.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Кичик ёшдаги болаларни тарбиялаш ва таълим бериш бўйича Бутунжаҳон конференциясидаги нутқидан**



1

### Бирдамликни сақлаб қолишдаги қатъият

Ўзбекистон раҳбарининг ташқи сиёсатидаги прагматик ва конструктив руҳ бутун Марказий Осиёнинг мувозанатда бўлиб туришига имкон беради. Бу эса дунёдаги йирик давлатлар ва сиёсий тизимлар ўртасида қарама-қаршиликлар юзага келган бугунги нотинч замонда жуда муҳимдир. Шу боис мамлакатимизнинг етакчи халқаро ташкилотлардаги раислиги ўта самарали, деб баҳоланмоқда.

Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотидаги раислиги, жумладан, пандемиядан кейин биринчи марта Самарқандда бўлиб ўтган саммит чинакамига дипломатик ғалаба, дея тан олинди. Бу қадимий шаҳар навбатдаги муҳим вазифа эстафетасини алмашиш жойи бўлди. Ноябрь ойининг иккинчи ўн кунлиги бошида ушбу кентда Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ) етакчиларининг биринчи саммити ўтказилди ва Ўзбекистон мазкур нуфузли ташкилотга раисликни қабул қилди.

ТДТга аъзо давлатларнинг раҳбарлари Самарқандда савдо, иқтисодий инвестициялар ва гуманитар соҳадаги ҳамкорликни ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилишди. Мазкур тадбир "Туркий цивилизациянинг янги даври: умумий тараққиёт ва фаровонлик сари" деб номланганини ҳам унинг руҳи ва долзарблигини кўрсатиб турибди. Президент Шавкат Мирзиёев ўз нутқида ушбу шиор остида барчамиз биргаликда мутлақо янги юксалиш босқичига қадам қўймоқдамиз, дея алоҳида таъкидлади.

Европа Халқаро муносабатлар институтининг геосиёсий тадқиқотлар бўйича директори Пьер Томанн фикрича, Ўзбекистоннинг ТДТ ташкил этилишидаги фаол иштироки турли давлатлар, иттифоқлар ва сиёсат ҳамда хавфсизлик институтлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш мақсадида шаклланаётган кўп қутбли дунё мослашувига мувофиқдир. Турли ташкилотларда иштирок этиш барқарорлик даражасининг юксалишига олиб келмоғи лозим.

Эксперт хавфсизликнинг янги доктриналарини изоҳлар экан, давлатлар барқарорликка эришиш нуқтаи назаридан халқаро ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдорлиги ва Марказий Осиёдаги ҳамкорликнинг янги жараёни Евроосиё архитектурасини яратишга ҳисса қўшмоғи лозимлигини таъкидлайди.

Туркий давлатлар ташкилоти ана шундай механизмлардан бири. Унинг кун тартиби кўп қиррали бўлиб, иқтисодий, маданий-гуманитар, технологик ривожланиш ва бирлашма ҳудудида хавфсизликни таъминлаш масалаларини ўз ичига олади. Бу жиҳатларнинг барчаси тинч ривожланиш ва тараққиёт учун муҳимдир. Бунинг исботи сифатида Ўзбекистон етакчисининг чиқишида таъкидланган қуйидаги сўзларни келтириш жоиз: "Кун тартибига киритилган масалалар, концептуал ҳужжат ва дастурлар, энг муҳим ташаббусларимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор тараққиёт мақсадлари руҳига уйғун ва ҳамоҳангдир".

Стратегик тадқиқотлар халқаро ассоциациясининг бош таҳлилчиси Грегори Куплининг таъкидлашича, Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанддаги учрашувда Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатларнинг раҳбарларига қилган мурожаати принципиал аҳамиятга эга. Ўзбекистон раҳбари мамлакатнинг нафақат Марказий Осиёдаги муҳим давлат эканини тасдиқлади, балки минтақа давлатлари чинакам суверенитет томон ҳаракатларини давом эттириши, глобал савдо тизимининг таркибий қисми сифатида шаклланишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган муҳим мавзуларни белгилаб берди. Экспертнинг фикрича, Президент барча масалаларга тўхталиб ўтди, бу эса Марказий Осиёда мустақилликка, етакчиликка интилиш, турк бирдамлигини сақлаб қолишга нисбатан реал қатъийликни намойиш этди.

### Ҳам ташқи йўналиш, ҳам ички янгиланиш

Бир йил ичида ташқи сиёсий майдонда салмоқли муваффақиятларни қўлга киритган Ўзбекистон мамлакат ичкарисида ҳам турли муҳим соҳаларни қамраб олган янгиланиш жараёнларини фаол жадаллаштирмоқда. Туркий дунё учун таклиф этилган шиор қанчалик аниқ-тиниқ ва пухта ўйланган ҳолда жаранглаган бўлса, Ўзбекистонда кейинги йилларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асоси бўлган "Инсон қадри улуғ" тамойили ҳам шунчалик изчил ва чуқур маъноли, дейиш ўринлидир.

Президент Шавкат Мирзиёев илгари сурган ўзгаришларнинг пировард мақсади шундай давлат қуришдан иборатки, унда ҳар бир фуқаро фаровон ҳаёт учун қулай шарт-шароитларга эга бўлсин, турмушига етарли даромад ва ижтимоий ёрдамдан баҳраманд бўла олсин ҳамда фарзандларининг эртанги куни ҳақида ташвиш чекмасин. Шу билан бирга, ўзининг ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланганини, ўз манфаатларининг кафолатини ҳис қилсин.

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясига мувофиқ, ислоҳотларни чуқурлаштириш ва эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, қадр-қимматини биринчи ўринга чиқариш бизнинг энг устувор вазифамиздир.

Шу маънода, Президентимизнинг Асосий Қонунга киритиладиган ўзгартишлар юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш бўйича Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувининг тафсилотлари ёдга тушади. Айнан ўшанда конституциявий ислоҳотнинг асосий йўналишлари, унда инсон қадр-қиммати, эркинликлари, ҳуқуқ ва манфаатларининг дахлсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган меъёрларни мустаҳкамлаш ва рўёбга чиқариш мақсадлари илгари сурилганди.

Президент энг муҳим жиҳатни таъкидлади: қисқача айтганда, "Инсон қадри учун" тамойилини ҳамда ҳозирги ислоҳотларимизнинг бош тамойили бўлган "Инсон — жамият — давлат" деган ёндашувни Конституциямизнинг мазмун-моҳиятига чуқур сингдириб, амалий ҳаётимизда бош қадриятга айлантиришимиз зарур.

Инсон муносиб шарт-шароитларда таълим ва тарбия олсагина, унинг фаровон турмуши таъминлансагина жамият ҳамда давлат уйғун ҳолда ривожланади. Инсон — давлат ва жамият учун мақсадга эришиш воситаси эмас, аксинча, ана шу мақсаднинг бош мазмуни ва манбаи ҳамда энг олий қадрият бўлиши лозим. Биз барпо этаётган Янги Ўзбекистон учун инсон қадри ва халқ манфаати ҳамма нарсадан устундир!

— Ўзбекистондаги кенг кўламли трансформациялар ўз йўлининг бошида турибди, — деб ёзади Россия ҳукумати қошидаги Қонунчилик ва қиёсий ҳуқуқшунослик институтининг етакчи илмий ходими, юридик фанлар номзоди Сергей Чиркин ўзининг "Аргументы и факты" нашридаги мақоласида. — Уларнинг Конституцияда мустаҳкамланиши ислоҳотларнинг қонунчилик фаолияти орқали рўёбга чиқарилишини назарда тутувчи иккинчи, янада муҳимроқ босқичи бошланганини англатади.

Бутун мамлакатимиз бўйлаб амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши диққат билан кузатилса, шу нарса аён бўладики, кўп йиллар давомида мамлакатимиз ривожига халақит бериб келган муаммолар айнан инсонпарварлик ёндашуви туфайли муваффақиятли ечим топмоқда. Қайси соҳани олмайлик, барча жойда янгиланишларнинг асл моҳияти бўлган инсон қадр-қимматини юксалтириш борасидаги саъй-ҳаракатлар кўзга ташланмоқда.

Мисол учун тураржой масаласини ҳал қилиш ва қулай яшаш муҳитини яратиш вазифасини олайлик. Кейинги йилларда арзон уй-жойлар қуриш дастури асосида 140 мингдан ортиқ янги хонадон ва хусусий уйлар фойдаланишга топширилди. Бу эса ўтган даврдагига нисбатан ўн марта кўпдир. Айни вақтда бу ишнинг кўлами яна ҳам кенгаймоқда, ҳудудларда барча қулайлик ва ижтимоий инфратузилмага эга бўлган "Янги Ўзбекистон" массивлари бунёд этиляпти. "Обод маҳалла" ва "Обод қишлоқ" дастурлари изчиллик билан амалга оширилаётир. Тоза ичимлик суви, замонавий йўллар, ахборот ва коммуникация технологиялари, жамоат транспорти, ҳудудлараро арзон нархдаги автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспорти қатновлари каби қулайликлардан фойдаланаётган оилалар сони кўпаймоқда. Буларнинг замирида эса вилоятларда, шу жумладан, олис туманларда олиб борилаётган инфратузилмани ривожлантириш ишлари турибди.

Таъкидлаш жоизки, бу муваффақиятлар жаҳонда, жумладан, Марказий Осиё минтақасида глобаллашув, геосиёсат, трансформацион технологиялар ва ижтимоий ўзгаришлар билан боғлиқ кўплаб ноаниқ жараёнлар кечаётган ҳозирги мураккаб даврда, айниқса, кўзга яққол ташланади. Буюк Британиянинг глобал ўзгаришларни ўрганишга ихтисослаштирилган "Pareto Economics" агентлиги бош директори Клисман Муратинининг фикрича, бундай эврилишларга қарамай, ўзбек халқининг қудрати ва бирлиги, шунингдек, Ўзбекистон раҳбарияти ҳамда ҳукуматининг стратегик қарашлари, ислоҳотлар йўлидаги дадил одимлари республиканинг изчил ва динамик тараққиётини таъминламоқда.



— Ўзбекистон ўзининг истиқлол йўлидан бораётган экан, келажакка ҳам ишонч билан қараяпти, — дейди эксперт. — Халқининг меҳнаткашлиги ва ижодкорлиги ҳисобига Ўзбекистон фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш, сармояларни жалб этиш, давлатнинг халқ билан мулоқоти, инфратузилмаларни ривожлантириш каби кўплаб соҳаларда бугуннинг ўзидаёқ ижобий ислоҳотлар меваларини тотмоқда.

### Глобал иқтисодиётлар учун платформа

Нафақат бизнинг юртимизда, балки хорижда ҳам жамоатчиликнинг алоҳида эътиборини тортган жиҳат бу ўз кучи билан муҳтожликдан чиқа олмаётганларга кўрсатилаётган ёрдам чораларидир. Манзилли кўмак, аҳоли бандлигини таъминлаш дастурлари, ёшлар ва ишсизларни давлат ҳисобидан касбга ўқитиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари туфайли 2026 йилга бориб камбағаллик кўрсаткичи икки бараварга камаяди.

Бугунги кунда ҳар бир юртдошимиз иқтисодиёт ва ижтимоий соҳада рўёбга чиқарилаётган туб ислоҳотларнинг самарадорлигига гувоҳ бўлмоқда. Уларнинг натижаси саломатлиги ёки ижтимоий аҳволидаги муаммолар сабаб имкониятлари чекланган кишиларнинг тақдирида, айниқса, яққол намоён бўлмоқда. Кейинги вақтда каттаю кичик шаҳарларда қурилган замонавий уй-жойлар ёки қишлоқлардаги қулай хонадонларга кўчиб кирган ватандошларимизнинг асосий қисмини айнан шундай ватандошларимиз ташкил этяпти.

Аҳолини юқори сифатли таълим, касбий тайёргарлик, иш билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш хизматлари ва ижтимоий ҳимоя тадбирлари билан қамраб олиш кўлами ҳам тобора кенгаймоқда. Бундай ижобий ўзгаришлар ёшлар, хотин-қизлар ва имконияти чекланганлар ҳамда аҳолининг бошқа муҳтож қатлами ҳаётида, айниқса, яққол сезилмоқда.

Шуниси ҳам аҳамиятлики, вилоятлар, ҳудудларнинг ривожидаги мувозанат борган сари сезиларли бўлмоқда. Тараққиёт, қулайлик ва инновациялар нафақат марказда, балки энг олис ёки экология нуқтаи назаридан, табиий ва бошқа ресурслар етишмаслиги жиҳатидан мураккаб ҳисобланувчи ҳудудларда ҳам ҳаётий ҳақиқатга айланмоқда.

— Шавкат Мирзиёев вилоятларда бизнесни ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда, — дейди қирғиз сиёсатшуноси Шерадил Бактигулов. — Бу эса инфратузилма, таълим сифати, соғлиқни сақлаш соҳасини яхшилашга ва янги иш ўринлари яратишга хизмат қилиши, шубҳасиз. Ўзбекистон сўнгги йилларда нафақат Марказий Осиё, балки бутун собиқ Шўро маконида янгиланиш ва тараққиётда иқтисодий ислоҳотлар драйверига айланди.

Эксперт эътироф этганидек, Ўзбекистонда тўқимачилик, халқ истеъмоли буюмлари ва озиқ-овқат саноати моллари ишлаб чиқариш соҳасидаги хусусий корхоналар, айниқса, муваффақиятли ривожланмоқда. Ва Қирғизистон Ўзбекистондан тажриба ўрганса арзийди, чунки бу — ана шу, айни вақтда талабгир бўлган тармоқларда қандай қилиб муваффақиятли ишлаш мумкинлиги бўйича тайёр андозадир.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда меҳнат муносабатлари соҳасида эришилган ютуқлар ҳам жаҳон ҳамжамияти томонидан инқилобий ўзгариш сифатида тан олинди. Бугунги кунда мамлакатимизда мажбурий ва болалар меҳнатидан фойдаланиш ҳолатлари бутунлай бартараф этилди. Кўп йиллар давомида қўлланиб келинган бундай ғайриижтимоий усуллар ўзбекистонликлар учун шунчалик оддий ҳол бўлиб қолган эдики, уларнинг ноқонуний, ҳатто жиноят эканлигини кўпчилик тушунмас ҳам эди. Ва ниҳоят, давлатнинг қўллаб-қувватлови билан ана шу кишандан халос бўлгач, биз у чиндан ҳам мамлакатимиз учун уятли ҳол бўлганлигини ва тараққиётни бир неча йил ортга сурганлигини тушуниб етдик. "Cotton Campaign" ҳаммуассиси, АҚШ Давлат котибининг демократия, инсон ҳуқуқлари ва меҳнат масалалари бўйича ёрдамчисининг собиқ ўринбосари Беннетт Фриман эътироф этганидек, у Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон пахта секторини ислоҳ қилиш ва мажбурий меҳнатни тугатиш учун зарур бўлган тарихий ўзгаришлар бўйича ташаббусларини, уларни амалга оширишдаги ролини юксак баҳолайди.

Меҳнат миграциясини легаллаштириш ҳам салмоқли ютуқдир. Негаки, бундай қадам ушбу жараёнга жалб қилинган ватандошларимизнинг муаммоларини тезкор равишда аниқлаш ва бартараф этиш масалаларига эътибор қаратиш имконини берди. Уларнинг ҳуқуқ-манфаатлари ҳимоясини таъминлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар мигрантларнинг ўз қадр-қимматини англашига олиб келди. Ахир узоқ йиллар давомида ёлланма ишчилар — мардикорлар хорижда ҳам, ўз Ватанида ҳам шубҳали бизнес тузилмаларида ҳеч бир ҳақ-ҳуқуқсиз меҳнат қилишга мажбур эдилар. Дарвоқе, эндиликда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларга кўплаб имтиёз ва енгилликлар тақдим қилиш туфайли бизда бундай тузилмалар бартараф этилмоқда.

— Сўнгги йилларда Ўзбекистон раҳбарияти очиқлик сари юз тутди ва иқтисодиётнинг барча тармоғида халқ ҳаётини яхшилашга хизмат қилувчи янгиланишларни амалга оширмоқда, — дейди глобал молиявий архитектурадаги анъаналар бўйича мулоқот учун майдонча ролини бажарувчи халқаро ташкилот бўлган "Reinventing Bretton Woods Committee"нинг ижрочи директори Марк Узан. — Аминманки, Ўзбекистон жаҳоннинг глобал иқтисодиётлари учун Марказий Осиёда ўзига хос платформа бўла олади, унда барқарор ва йирик янгиланишларни рўёбга чиқаришда янада муҳим роль ўйнайди.

### Рейтингнинг юқори поғонасида

Қадр-қимматингни ёшликдан асра, дейишади. Ҳар биримиз учун муҳим бўлган бу мақсадга эришишда айнан давлатимиз асосий ёрдамчи бўлмоқда. Фарзандларимиз, набираларимиз учун бугун барча эшиклар очиқ. Йигит-қизларнинг қобилияти, истеъдодини рўёбга чиқариш ва янада ривожлантириш учун ҳаётда ўз ўрнини топиш билан бир қаторда, ўз оиласига фаровон ҳаётни таъминлаши учун янги-янги имкониятлар тақдим этилмоқда.

Шу муносабат билан бир неча ой илгари ЮНЕСКОнинг расмий сайтида эълон қилинган бир мақола ёдга тушади. Унда келтирилишича, Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда мактабгача таълим ташкилотларининг сони тўрт бараварга оширилди ва аҳоли сонининг тез ўсишига қарамай, болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш кўрсаткичини 2021 йилда 62 фоизгача кўтаришга эришилди.

Яқинда эса Ўзбекистон болаларни мактабгача таълим билан қамраб олишнинг ўсиши бўйича глобал рейтингда энг юқори поғонани эгаллади. "FinanceInquirer" нашрида RGCA халқаро тадқиқотининг натижалари, шунингдек, ЮНИСЕФ, Жаҳон банки ҳамда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг маълумотларига таянган ҳолда мактабгача таълим қамрови бўйича энг яхши кўрсаткичларга эришган ўнта мамлакат рўйхати эълон қилинди. Шу рўйхатда Ўзбекистон, хусусан, Финляндия, Қозоғистон, Литва, Туркия, Швейцария ва Польша каби давлатларни ортда қолдириб, биринчи ўринни эгаллади.

Ҳисоботда айтилишича, 2018 йилдан 2020 йилгача дунёнинг кўпгина минтақаларида мактабгача таълим турғунликка учраган. Ана шундай шароитда Ўзбекистонда уч ёшдан олти ёшгача бўлган болаларни боғчага қамраб олиш бўйича ўсиш кўрсаткичи 59 фоизни ташкил этди.

Мактабгача таълим вазири Агриппина Шиннинг сўзларига кўра, тадқиқотда келтирилган рақамлар тасодифий эмас: 2017 йилдан бошлаб мамлакат раҳбарияти томонидан берилаётган эътибор, ҳатто пандемия даврининг қийинчиликларига қарамай, сезиларли натижаларга олиб келди. Вазирнинг ишонч билдиришича, бундай юқори ўсиш суръати сақланиб қолади ва биз нафақат ўсиш кўрсаткичи борасида, балки абсолют рақамлар бўйича ҳам етакчи давлатлар қаторига кира оламиз.

Шу сингари салмоқли натижалар бугун иқтисодиётнинг барча тармоғи ва ижтимоий ҳаётда ҳам таъминланмоқда. Айтиш лозимки, давлатимиз томонидан рўёбга чиқарилаётган дастур ҳамда лойиҳаларнинг долзарблиги ва аниқ манзиллилиги уларнинг юқори самарадорлигига олиб келмоқда. Бунга эса, халқ билан доимий ва очиқ мулоқот йўлга қўйилганлиги, унинг доирасида жойларда мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммолар тезкорлик билан аниқланиб, уларни ҳал этиш учун оптимал йўллар ишлаб чиқилаётгани туфайли эришиляпти. Аҳоли билан конструктив мулоқотнинг ижобий жиҳатларидан яна бири — унинг бундай кўп қиррали ишдаги юқори манфаатдорлиги, ислоҳотларга дахлдорлиги ортишидадир.

Яратувчанлик даврининг яна бир муҳим таркибий қисми — ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий янгиланишлар билан бир қаторда, маънавий-маърифий соҳадир. Давлатимиз раҳбарининг сўзларига кўра, айнан у жамиятнинг қалби, юраги. Унинг асосини бой тарихий меросимиз, халқимизнинг миллий ва умуминсоний қадриятлари ташкил этади.

Барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган яна бир муҳим омилни ҳам айтиб ўтиш жоиз. Давлатимиз сиёсатида республикада яшаётган турли миллат ва элат вакилларининг миллий ўзлигини, тили, маданияти, дини, урф-одатлари ҳамда анъаналарини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга катта эътибор берилади. Бизнинг энг катта бойлигимиз тинчлик-барқарорлик, турли миллат, элат ва конфессиялар вакиллари орасидаги дўстлик ришталаридир. Давлат ва жамиятнинг барча саъй-ҳаракатлари мамлакатда бирдамлик муҳитини янада мустаҳкамлашга қаратилган.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Бу саъй-ҳаракатлар янги Ўзбекистоннинг "Инсон қадри учун" деган асосий ғояси, шунингдек, ислоҳотларнинг "Инсон — жамият — давлат" деган бош тамойили ҳаётга татбиқ этилаётганини яққол кўрсатиб турибди. Президентимиз томонидан белгиланган вазифалар ҳар бир ўзбекистонлик ўз Ватани тақдирига катта масъулият билан ёндашишига хизмат қилади, бу эса жаҳон майдонидаги вазият тобора мураккаблашаётган, мамлакатда тинчлик ва барқарорликни, жамиятдаги ҳамжиҳатликни сақлаб қолиш учун барча куч ҳамда имкониятларни сафарбар этишни талаб қилаётган бир шароитда ўта муҳимдир.

**Ўткир РАҲМАТ.**

# БИРГАЛИКДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР БИЛАН ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИГА ҚАРШИ ТУРИШ МУМКИН

1 Айни чоғда 2026 йилга бориб "яшил энергетика" улушини 8 минг МВтга етказиш режалаштирилган бўлиб, бу карбонат ангидрид гази чиқаришни 5 млн. тоннага камайтириш имконини беради. Шуларга мос равишда 2030 йилга бориб иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини икки баравар ошириш, қайта тикланадиган энергия улушини эса камида 25 фоизга етказиш ҳам кўзда тутилган.

Ҳар йили 200 млн. туп дарахт ва бута экишни назарда тутувчи "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси кўп жиҳатдан республикада иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатишга ва уларга мослашишга хизмат қилади. Натижада беш йилдан сўнг шаҳарлардаги кўкаламзор ҳудудлар ҳозирги 8 фоиздан 30 фоизга ошади.

Мамлакатимизда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида сувни тежовчи технологияларни жорий этишга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Қолаверса, Орол денгизи инқирози билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш бўйича қатъий чоралар кўриляпти. Сўнгги беш йилда Орол денгизининг қуриган тубида 1,7 млн. гектардан ортиқ ўрмон плантациялари барпо қилинган бўлса, 2026 йилга бориб ушбу кўрсаткич 2,5 млн. гектаргача етади ёки ҳududнинг қарийб 80 фоизини қамраб олади. БМТ Бош Ассамблеяси махсус резолюцияси билан Оролбўйи минтақаси экологик инновациялар ва технологиялар зонаси деб эълон қилинди.

Шулардан келиб чиқиб, делегациямиз раҳбари мамлакатимиз халқаро ҳамжамият билан фаол ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини ва Минтақавий иқлим кенгашини тузишни таклиф этаётганини таъкидлади. Зеро, бу иқлимга мослашиш бўйича лойиҳаларни тарғиб қилишда, чўлланиш ва ерларнинг деградациясига қарши курашишда, сувни тежовчи технологияларни жорий этишда ҳамкорлик самарадорлигини ошириш имконини бериши билан янада аҳамиятлидир.

### Ўзаро манфаатли учрашувлар

Миср Араб Республикаси Шарм аш-Шайх шаҳри мезбонлик қилаётган БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича доиравий конвенцияси иштирокчилари 27-конференцияси доирасида Сенат Раиси бир қатор давлатлар парламентлари раҳбарлари билан ўзаро манфаатли мулоқотни янада мустаҳкамлаш юзасидан учрашувлар ўтказди.

### «Йўл харитаси» ишлаб чиқилади

Ташриф доирасида Қоҳира шаҳрида Танзила Норбоеванинг Миср Араб Республикаси парламенти Сенати Раиси Абдулваҳоб Абдуррозиқ билан учрашуви бўлиб ўтди.

Унда икки томонлама алоқаларга доир бир қатор масалалар, хусусан, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ҳамда парламент йўналишида фаол шерикликни ривожлантириш масалалалари муҳокама қилинди.

Т. Норбоева парламентлараро ҳамкорлик мамлакатларимиз ўртасидаги барча даражадаги алоқаларни ривожлантиришда муҳим механизмлардан бири ҳисобланишини таъкидлаб, Миср парламенти билан ўзаро ҳамжиҳатликни янада ривожлантиришга, жумладан, олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш доирасидаги вазифаларнинг бориши устидан тизимли парламент назоратини ўрнатишга тайёр эканлигини билдирди.

Ўз навбатида, А. Абдуррозиқ кейинги йилларда ўзаро алоқалар янги, янада юқори босқичга кўтарилгани ва турли соҳаларда катта амалий натижаларга эришилаётганини мамнуният билан қайд этди.

Қолаверса, у 2023 йили Самарқанд шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган араб ва мусулмон мамлакатлари парламентлари аёл етакчиларининг биринчи форуми ташаббусини қўллаб-қувватлади.

Бундан ташқари, томонлар ўртасидаги алоқаларнинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, парламентлараро мулоқотни ривожлантириш муҳимлигига урғу берилди.

Мулоқотда аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд қатламлари, жумладан, аёллар ва ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи икки мамлакатда ҳам давлат сиёсати даражасига кўтарилган устувор йўналишлардан бири эканлиги таъкидланди ҳамда мазкур йўналишларда ўзаро тажриба алмашиш ва ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан фикр алмашилди. Шунингдек, маданий-гуманитар соҳадаги алоқаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашувда томонлар ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтириш ва ривожлантириш масалаларига доир "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқиб, амалиётга татбиқ этишга келишиб олинди.

### Иқтисодий форум ўтказиш таклифи билдирилди

Қоҳира шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева 22 та араб давлатини бирлаштирган Араб давлатлари парламентлари лигаси раиси Одил ал-Асумий билан учрашди.

Унда Ўзбекистон парламентининг минтақа давлатлари қонун чиқарувчи органлари, хусусан, Араб давлатлари парламентлари лигаси билан ҳамкорлигини янада фаоллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Т. Норбоева Ўзбекистон Республикаси парламенти ва Араб давлатлари парламентлари ҳамкорлигини мустаҳкамлаш мақсадида ўзаро англашув меморандумини имзолаш таклифини қўллаб-қувватлади. У Ўзбекистон араб мамлакатлари билан барча соҳада ўзаро дўстлик ва манфаатли муносабатларни сифат ва мазмун жиҳатидан ривожлантиришга тайёр эканлигини маълум қилди.

Ўз навбатида, Одил ал-Асумий Араб давлатлари уюшмаси, жумладан, Араб давлатлари парламентлари лигаси юртимизнинг Марказий Осиёдаги етакчилик ўрнини эътироф этгани ҳолда, Ўзбекистон билан барча соҳада, хусусан, парламентлараро ҳамкорликни янада фаоллаштиришга тайёрлигини билдирди. Хусусан, араб ишбилармон доиралари иштирокида Ўзбекистонда йирик иқтисодий форум ўтказиш таклифини илгари сурди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини араб давлатларига экспорт қилиш ҳамда бунда транспорт-логистика масалаларини самарали ҳал этиш чоралари ҳам муҳокама қилинди.

Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлаш борасида олиб борилаётган давлат сиёсати эътироф этилгани ҳолда, 2023 йили Самарқанд шаҳрида араб ва мусулмон мамлакатлари парламентлари аёл аъзоларининг биринчи форумини ўтказиш ташаббуси қўллаб-қувватланди.

**«Халқ сўзи».**

# «ТУРКИЯ — ЎЗБЕКИСТОН» ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ДЎСТЛИК ГУРУҲИ РАҲБАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари А. Саидов Туркия Республикаси Буюк Миллат мажлиси депутати, "Туркия — Ўзбекистон" парламентлараро дўстлик гуруҳи раҳбари О. Местен билан учрашди.*

## Мулоқот

Учрашув аввалида меҳмонларга Ўзбекистонда сўнгги йилларда барча соҳада олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар ҳақида сўзлаб берилди.

Ўз навбатида, О. Местен Ўзбекистон иқтисодий-сиёсий жиҳатдан жадал ривожланаётган давлат сифатида дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаётганини эътироф этиб, Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатда олиб борилаётган кенг кўламли демократик ислоҳотлар юқори баҳо берди.

Мулоқотда икки давлат ўртасида парламентлараро, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда анъанавий дўстлик ва шерикликка асосланган ҳамкорликни ривожлантиришга имкон берадиган конструктив ва очиқ муносабат ўрнатилгани қайд этилди. Туркия туркий давлатлар орасида ўзига хос ўринга эга Ўзбекистонни қатъий ва ишончли шерик сифатида билиши таъкидланди.

Шунингдек, О. Местен 10-11 ноябрь кунлари бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилоти саммити ҳақида тўхталар экан, унинг айнан Амир Темур, Имом ал-Бухорий каби буюк туркий шахслар юрти — Самарқанд шаҳрида ўтказилиши туркий дунё қардош халқларининг ўзаро алоқаларини янада мустаҳкамлашда рамзий маънога эгалигини эътироф этди.

Учрашувда икки мамлакат парламентлари ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш, Ўзбекистон ва Туркия ўртасида олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш мақсадида жорий йил декабрь ойида "Дўстлик гуруҳлари"нинг онлайн учрашувини ҳамда 2023 йилнинг биринчи чорагида "Туркия — Ўзбекистон" парламентлараро гуруҳининг Ўзбекистонга ташрифини амалга ошириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Учрашув дўстона ва конструктив руҳда ўтди.

**«Халқ сўзи».**

# МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЭКСПЕРТ-ТАҲЛИЛЧИЛАРИ ТАРМОҒИ ТУЗИЛАДИ

*Кеча пойтахтимизда "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати, Олий Мажлис Сенати ҳамкорлигида Конрад Аденауэр номидаги фонднинг Марказий Осиё бўйича ваколатхонаси кўмагида Марказий Осиё экспертлари форуми бўлиб ўтди.*

## Форум

Унда алоҳида таъкидланганидек, Марказий Осиёда ўзаро ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида ижобий тенденция юзага келмоқда. Бу борада, шубҳасиз, минтақа давлатлари раҳбарлари Маслаҳат учрашуви ва улар доирасида эришилаётган келишувлар муҳим аҳамият касб этаётир.

Табиийки, натижалар ҳам шунга яраша бўляпти. Буни 2016 йилдан 2021 йилгача Марказий Осиё давлатларининг умумий ташқи савдо айланмаси 54 фоизга ошиб, 167 миллиард долларни ташкил этгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Шуларга мос равишда минтақада товар айирбошлаш ҳажми уч бароборга, қўшма корхоналар сони беш бароборга ошган. Айни чоғда ўзаро инвестициялар уч баробарга ўсган. Пировардида эса умуммитақавий ялпи ички маҳсулот ҳажми 20 фоизга ошиб, 329 миллиард долларга етган.

Форум ишида қатнашган Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев Марказий Осиёда тарихан қисқа даврда улкан ишлар рўй бергани, ўзаро ишонч асосланган, мураккаб масалаларни биргаликда ечадиган яқин ҳамкорлик йўлга қўйилганини ҳамда бунда ҳар бир давлат манфаатлари муштараклиги эътиборда бўлиб келаётганлигини қайд этди.

Халқаро форумда минтақа мамлакатларидан 100 дан ортиқ жамоат ва сиёсий арбоблар, экспертлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари томонидан ўзаро ҳамкорлик доирасидаги масалалар ва вазифалари кенг таҳлил қилинди.

Ўз навбатида, миллий ва хорижий экспертлар минтақа мамлакатларида барқарор ривожланишни таъминлаш, ҳамкорликнинг янги йўналишларини белгилаш, амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишда таҳлилий-тадқиқот марказлари иштирокини чуқур таҳлилдан ўтказишди. Зеро, минтақада ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, замон чақириқларига умумий ёндашувни ишлаб чиқишда "ақл марказлари"нинг ўрни беқиёсдир.

Тадбир қатнашчилари томонидан "Марказий Осиё мустақил экспертлар альянси" платформасида экспертлар тармоғини яратиш ташаббуси илгари сурилди.

Яқинда минтақавий ҳамкорлик ва барқарор ривожланиш ғояларини илгари сурувчи Марказий Осиё эксперт-таҳлилчилари тармоғини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ТАДБИРКОРЛИККА ЖАЛБ ЭТИШ ҲОЛАТИ ҚОНИҚАРЛИМИ?

*Олий Мажлис Сенати Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси ҳамда халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Сенат қўмитаси ишчи гуруҳи томонидан шу йилнинг 28 — 30 сентябрь кунлари вилоятда хотин-қизларни тадбиркорликка жалб этиш, оилаларни бизнесга ўргатиш, даромадини ошириш, уларнинг муаммоларини аниқлаш ва ечим топиш борасида жорий йил январь — август ойларида олиб борилган фаолият юзасидан ўтказилган ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.*

## Ўрганиш

Қайд этилганидек, вилоятда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури асосида 12 минг 200 га яқин аёлларга турли йўналишда тадбиркорлик фаолиятини юритиши ва уларнинг бизнес лойиҳалари учун 212,1 млрд. сўмлик кредит ажратилган. Жорий йил учун тасдиқланган дастурга асосан ҳозиргача 4 388 нафар ишсиз хотин-қиз касбга ўқитиш учун жалб этилган. Қолаверса, жорий йилда Халқ банки 3 107 нафар хотин-қизга 22,3 млрд. сўм, "Агробанк" 1 762 аёлга 13,2 млрд. сўм, "Микрокредитбанк" 1 290 аёлга 7,7 млрд. сўм кредит ажратган.

Тадбирда ўрганиш жараёнида хотин-қизларни тадбиркорликка жалб этиш, оилаларни бизнесга ўргатиш, даромадини ошириш борасида муайян камчиликларга йўл қўйилаётгани аниқлангани айтиб ўтилди. Масалан, касб-ҳунарга ўқитилган хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ишларига етарлича эътибор қаратилмаган. Жорий йил 1 сентябрь ҳолатига Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тасарруфидаги ўқув муассасалари ва ҳамкорликда ишловчи ННТда 3 060 га яқин хотин-қизлар касб-ҳунарга ўқитилган бўлиб, шундан 1 880 нафарининг бандлиги таъминланган, холос.

"Аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизларни кооперацияга жалб этиш орқали даромадини ошириш, иш ўринлари яратиш, етакчи тадбиркор билан ишлаш истаги бўлган ташаббускорларни ўқитиш ишлари ҳам тўлиқ бажарилмаган. Боз устига оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида Бўстон, Улуғнор ва Шаҳрихон туманларида боғдорчилик йўналишидаги лойиҳаларга умуман кредит маблағлари ажратилмаган.

Айрим маҳаллаларда ҳоким ёрдамчиларининг "йўл хариталари" мавжуд эмас. Жорий йилнинг ўтган 8 ойи мобайнида хотин-қизлар бошчилигидаги якка тартибдаги тадбиркорлик субъектларидан 214 тасининг тўхтаб қолган фаолиятини қайта тиклаш чоралари кўрилмаган.

"Ишга марҳамат" мономарказлари ҳамда касб-ҳунарга ўқитиш марказларининг хотин-қиз битирувчилари касбий малака сертификати (Skills паспорти)ни олмаган.

Ўтган йилда Балиқчи туманида тол новдасидан ноёб саватлар ва бошқа буюмлар тўқишга ихтисослаштирилган "Сиза толзори" МЧЖ ташкил этилган, бироқ кластер устав капиталини шакллантириш учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан 50 млн. сўм ҳамда Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармасидан 25 млн. сўм шу кунгача ажратилмаган.

Шулар асосида қўшма йиғилиш қарорида вилоят ҳокимлигига ўрганиш давомида аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ чоралар кўриш ва амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар чорак якунида халқ депутатлари вилоят Кенгашига таҳлилий ахборот киритиб бориш вазифаси юкланди.

**«Халқ сўзи».**

# ИСЛОҲОТЛАРГА ЖАДАЛ СУРЪАТ БЕРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН МАСАЛАЛАР



*Шу кунларда бўлиб ўтаётган Олий Мажлис Сенати қўмиталарининг йиғилишларида парламент юқори палатасининг навбатдаги ялпи мажлисидан ўрин олган масалалар дастлабки тарзда кўриб чиқилмоқда. Ушбу масалалар ислоҳотларга янгича суръат беришга йўналтирилган бўлиб, шу боис ҳам сенаторлар томонидан қизғин тарзда муҳокама қилинаётир.*

## Сенат ялпи мажлиси олдидан

### Музейлар ашё ва коллекцияларини сақлаш вазифаси долзарблигича қолмоқда

Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси мажлисида дастлаб "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили"-да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2022 йилнинг 9 ойи якуни бўйича бажарилиши юзасидан Вазирлар Маҳкамаси ҳисоботи муҳокама марказида бўлди.

Унда Давлат дастуридаги айрим вазифалар ижроси кечикаётганига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, тасвирий ва амалий санъат, дизайн йўналишларида мутахассисларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, киношаҳарларни барпо этиш борасидаги ишларни янада жонлантириш лозимлиги айтиб ўтилди.

Мажлисда "Музей ашёлари ва коллекцияларини сақлаш ҳамда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш чоралари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш тўғрисида"ги масала ҳам муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, юртимизда бугунги кунда фаолият олиб бораётган 48 та давлат музейи ва уларнинг 73 та филиалида қарийб 2,5 миллион дона ашё ва коллекциялар сақланмоқда. Шунингдек, 6 та нодавлат музей фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, уларда жами 25 мингга яқин ашёлар ва коллекциялар мавжуд. Уларнинг Миллий музей фонди таркибига киритилганлари сони 1,3 миллионтани ташкил этмоқда.

Муҳокама жараёнида музей ашёлари ва коллекцияларини сақлаш ҳамда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш борасида айрим ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар долзарблигича қолаётгани билдирилди.

Хусусан, музейлар фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тарқоқ ҳолда бўлиб, улар 100 дан ортиқдир.

Ҳукумат томонидан тасдиқланган Низомга кўра, Миллий музей фонди таркибига киритилган музей ашёлари ва коллекцияларини ҳисобга олиш ва сақлаш тартиблари белгиланган, холос. Бироқ фондга киритилмаган 1,2 миллионга яқин ашё ва коллекцияларни ҳисобга олиш ва сақлашнинг аниқ тартиблари мавжуд эмас.

Шу каби муаммо ва камчиликлар музейлардан кўплаб ноёб экспонатлар ўғриланиши ёки қалбакисига алмаштириб қўйилишига олиб келмоқда. Жумладан, республика бўйича 14 та музейнинг 3 мингдан зиёд нодир ва ноёб маданий бойликлари талон-торож қилинган. Умуман, 30 йилда маданий мерос объектларига етказилган зарар миқдори 4 триллион сўмдан ошган.

Шулардан келиб чиқиб, мазкур муаммоларга доир парламент сўровини ялпи мажлис муҳокамасига олиб чиқиш масаласи маъқулланди.

### Юртимизнинг халқаро майдондаги роли ва нуфузи ортиб бормоқда

Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитасининг мажлисида МДҲ ПАнинг 2022 йил 27-28 октябрь кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган кузги сессияси якунлари муҳокамасига батафсил тўхталиб ўтилди.

Эътироф этилганидек, Озарбайжон, Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Беларусь, Россия, Ўзбекистон ва Туркманистон парламентлари делегациялари раҳбарлари, Молдова парламенти аъзолари, МДҲ ПА Кенгаши котибияти, МДҲ Ижроия қўмитаси ва ТуркПА вакиллари иштирокида бундай кенг кўламли халқаро тадбир ташкил этилиши Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги роли ва нуфузи ортиб бораётганини кўрсатади.

Албатта, МДҲ ПА сессияси минтақа ривожланишида юзага келаётган тенденцияларни тушуниш, парламентлараро ҳамкорликнинг асосий истиқболларини белгилаб олиш, қатор модел қонунларни қабул қилиш, кўплаб икки томонлама учрашувлар ўтказиш имконини берганлиги билан ҳам янада аҳамиятли бўлди.

Шунингдек, қўмита йиғилишида "Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда транспорт-логистика инфратузилмаси хизматларини такомиллаштириш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида"ги парламент сўрови лойиҳаси ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

### Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилган, аммо улар ўз вақтида қабул қилинмаган

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитасининг кенгайтирилган мажлисида тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш, давлат назоратини такомиллаштириш, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда ортиқча бюрократик тўсиқларни олиб ташлашга хизмат қилувчи бир қатор қонунлар, янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича бажарилган ишлар, "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2022 йил тўққиз ойлик ижроси муҳокама қилинди.

Давлат дастурининг 2022 йилнинг 9 ойи якуни бўйича бажарилиши юзасидан Вазирлар Маҳкамаси ҳисоботини кўриб чиқиш чоғида сенаторлар ушбу ҳужжатда белгиланган тадбирлар ижроси борасида муайян ишлар уддаланганини таъкидлаб ўтдилар.

Жумладан, ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда маҳаллалар ваколатларини кенгайтириш, ҳоким ёрдамчилари фаолиятини самарали йўлга қўйишга кўмаклашиш, маҳаллаларнинг "ўсиш нуқталари" ва аҳолининг тадбиркорлик бўйича ихтисослашувидан келиб чиқиб, бу ерларда яшовчи ва фаолият юритувчи аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини кучайтириш масалалари тўлиқ ижро қилинганлиги қайд этиб ўтилди.

Ўз навбатида, дастурнинг айрим бандлари ижроси юзасидан тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилган бўлса-да, улар ўз вақтида қабул қилинмай қолганлигига ҳам урғу берилди.

Шундан сўнг қўмита аъзолари Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2022 йил тўққиз ойлик якунлари бўйича ижроси тўғрисидаги ҳисоботини ҳам дастлабки тарзда муҳокама қилди.

Шунингдек, тадбирда ялпи мажлисда муҳокама этиладиган қонунлар кўриб чиқилди. "Давлат божи тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги, "Корпоратив бошқарув тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунлар ана шулар жумласидандир.

### Озодликдан маҳрум этилган шахслар учун янгилик

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунга атрофлича тўхталиб ўтилди.

Таъкидланганидек, жиноят-ижроия амалиёти таҳлили ва жамоатчилик билан тўғридан-тўғри мулоқот натижаси маҳкумлар ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш, уларни сақлаш шарт-шароитини янада яхшилаш ҳамда халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, шунингдек, жазони ижро этиш муассасаларида меҳнатга жалб қилинган маҳкумларга ҳақ тўланадиган ишлаш даврини уларнинг меҳнат стажига қўшиб ҳисоблаш зарурлигини кўрсатмоқда.

Шуларни инобатга олиб ҳамда Президентнинг 2022 йил 28 январдаги "2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги Фармони билан тасдиқланган дастур ижросини таъминлаш мақсадида Ички ишлар вазирлиги томонидан мазкур қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Қонун билан "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонунга ҳамда Жиноят-ижроия кодексига озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг умумий меҳнат стажига ишланган ҳамда ижтимоий солиқ тўланган даврни қўшиб ҳисоблашни назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мўлжалланмоқда.

Қонун билан озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўташ даврида бажарадиган ҳар қандай иши, агар ушбу иш бажарилган давр учун жазони ижро этиш муассасаси томонидан ижтимоий солиқ тўланган бўлса иш стажига қўшиб ҳисобланиши, шунингдек, маҳкумларга нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёхуд жазо турлари қўлланилишига йўл қўйилмаслиги, шунингдек, маҳкумларнинг таржимон билан бир қаторда сурдотаржимоннинг хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи ва маҳбусларга нисбатан тинчлантириш кўйлагини қўллаш мумкин эмаслиги қатъий белгиланмоқда.

### Маиший чиқинди полигонларининг табиатга салбий таъсирини камайтириш зарур

Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси мажлисида бир қатор масалалар, шу жумладан, жорий йилги Давлат дастурининг 9 ой якуни бўйича бажарилиши юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи кўриб чиқилди. Бунда Давлат дастурининг экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид бандларига алоҳида эътибор қаратилди.

Айтиб ўтилганидек, дастурнинг 99-банди ижроси бўйича юртимиздаги саноат корхоналарида мавжуд чанг-газ тозалаш ускуналари хатловдан ўтказилиб, уларни самарадорлиги 95 ва 99,5 фоиздан кам бўлмаганларига алмаштириш ва модернизация қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан "2022 — 2023 йилларда республикадаги йирик саноат корхоналарида чанг-газларни тутиб қолиш самарадорлигини янада оширишга қаратилган чора-тадбирлар" дастури тасдиқланган. Хавфлилик даражаси юқори ва ўрта бўлган металлургия, ёғ-мой, энергетика ва қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи 28 та йирик корхонада самарадорлиги 95 фоиздан кам бўлмаган 150 та чанг-газ тозалаш ускунаси ўрнатилган. Жорий йил якунига қадар қўшимча 115 та корхонада 335 та чанг-газ тозалаш ускунаси ўрнатиш орқали атмосферага 5,4 минг тонна ташламалар чиқариш камайишига эришиш режалаштирилган.

Давлат дастурининг 288-банди ижроси юзасидан экологик талабларга жавоб бермайдиган маиший чиқинди полигонларининг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш мақсадида 2022 йил 11 августда "Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш ва аҳоли пунктларида тозаликни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" Президент қарори қабул қилинган.

Унга кўра, 2022 — 2025 йилларда санитария ва экологик меъёрларга жавоб бермайдиган маиший чиқинди полигонларини рекультивация қилиш, чиқиндиларни тўплаш шохобчаларини қуриш, ижтимоий соҳа объектларини чиқинди контейнерлари билан қўшимча жиҳозлаш, чиқинди полигонларини қуриш ва жиҳозлаш бўйича манзилли дастурлар тасдиқланган.

Сенаторлар томонидан Давлат дастуридан ўрин олган, ижроси йил якунига қадар белгиланган вазифалар бажарилишини тўлиқ таъминлаш юзасидан тегишли кўрсатма ва тавсиялар берилди.

Жумладан, экологик талабларга жавоб бермайдиган маиший чиқинди полигонларининг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш чораларини кучайтириш, тупроқ билан кўмилган чиқинди полигонлари ер майдонини қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун қайтариш, маиший чиқиндиларни чуқур қайта ишлашга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

**«Халқ сўзи».**

*Бугунги кунда дунё цивилизациясининг марказларидан бири бўлган ва Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Самарқанд шаҳри муҳим сиёсий ва иқтисодий қарорлар қабул қилинадиган халқаро мулоқот ва ҳамкорлик марказига айланди. Хусусан, кескин геосиёсий зиддиятлар, глобал иқтисодий инқироз ва иқлим ўзгаришининг салбий оқибатлари билан боғлиқ мураккаб синовлар шароитида Самарқанд саммити майдончаси турк олами мамлакатларига энг долзарб муаммолар ечими бўйича умумий ёндашувларни белгилаб олиш, саъй-ҳаракатларни уйғунлаштириш имконини берди.*

# ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР БИЛАН АЛОҚАЛАР ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

Ўтган ҳафтада қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳри Туркий давлатлар ташкилотининг биринчи саммитига мезбонлик қилди. Ушбу анжуман тузилманинг ҳуқуқий мақоми ва номи ўзгарганидан кейин илк саммит сифатида тарихга кирди.

2019 йилда Ўзбекистон Туркий кенгашни Туркий давлатлар ташкилотига ўзгартириш сабабчиларидан бири сифатида унга қўшилди. Ҳозир ТДТ ялпи ички маҳсулоти 1,2 трлн. доллардан ошган ва 170 млн.дан ортиқ аҳолиси мавжуд ҳудудни ўз ичига олади.

Турк давлатларининг тарихий тажрибаси, Осиё ва Европа ўртасидаги ноёб географик жойлашуви ҳисобида бу мамлакатлар амалий ҳамкорлик ва умумий тараққиёт йўлида цивилизациялар, мамлакатлар ва халқларни бирлаштирувчи кўприк вазифасини тобора кўпроқ ўтамоқда. Ўзбекистоннинг Туркий давлатлар ташкилотига қўшилганидан буён давлатимиз раҳбари томонидан ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича 30 дан зиёд ташаббус ва таклифлар илгари сурилди.

Масалан, ТДТ мамлакатлари тинчлик ва дўстлик рамзи, фан ҳамда маърифат маркази бўлган Самарқанд шаҳрини "Турк цивилизацияси пойтахти" деб эълон қилиш ташаббусини қўллаб-қувватлади. Ушбу саммит бутун турк дунёсини бирлаштириш, давлатлар ўртасидаги сиёсий-иқтисодий интеграциялашувда муҳим бурилиш даврини бошлаб берди.

Айниқса, иқтисодиёт соҳасидаги вазиятни тубдан ўзгартириш, савдо, инвестиция ва хизматларнинг эркин ҳаракатини таъминлаш имконини берадиган "Янги иқтисодий имкониятлар ҳудуди"ни шакллантириш таклифи Самарқандда илгари сурилган муҳим ташаббуслардан бири бўлди.

ТДТга аъзо ва кузатувчи давлатлар ҳамда жаҳон бизнеси етакчи вакилларининг фаол иштирокида ҳар йили Халқаро туркий иқтисодий форумни ташкил этиш бу режани амалга оширишнинг муҳим механизми бўлади. Хусусан, форум доирасида ўтказиладиган "давлат ва бизнес" форматида қўшма тадбирлар, тадбиркорлар учрашувлари ва давра суҳбатлари, инновацион лойиҳалар тақдимотлари ва кўргазмалари катта натижа беради.

Шу билан бирга, Туркий агрофорумни мунтазам ўтказиб бориш ва унинг доирасида "ақлли" қишлоқ хўжалиги халқаро кўргазмани ўтказиш ҳақидаги ташаббус ҳам эътиборлидир. Бу Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари, биринчи навбатда, иқлим ўзгариши сабабли сув ресурслари тақчиллиги шароитида меҳнат қилаётган фермерларнинг эҳтиёжларини тўла акс эттиради.

Муболағасиз айтиш мумкинки, Ўзбекистон ўз раислиги давомида "Туркий дунё нигоҳи — 2040" концепцияси ва Туркий давлатлар ташкилотининг янги беш йиллик стратегиясини самарали амалга оширишга, ташкилот нуфузини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшади. Энг муҳими, тарихи, тили ва маданияти муштарак бўлган қардош халқларимиз ва давлатларимиз ўртасидаги ҳамжиҳатликни юксак поғонага олиб чиқади.

Умуман олганда, ТДТ биринчи саммитининг Самарқандда ўтказилгани Марказий Осиё, Жанубий Кавказ ва Кичик Осиё кенг ҳудудларидаги ривожланишни баҳолаш ва вазиятни прогнозлашда туркий давлатлар ўртасидаги шериклик омилини ҳисобга олиш муҳимлигини кўрсатди.

Ушбу тадбирнинг муваффақиятли ўтиши Ўзбекистоннинг туркий давлатлар билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришни устувор йўналишлардан бири сифатида олиб бораётган фаол сиёсатининг самарасидир.

**Актам ҲАИТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари.**

## Акс садо

*Кейинги йилларда дунё миқёсида коронавирус пандемияси, иқлим ўзгариши, йирик давлатлар ўртасидаги "санкциялар уруши", озиқ-овқат маҳсулотлари инқирози билан боғлиқ иқтисодий муносабатлардаги кескин ўзгаришларга барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз. Бу эса дунёда мулоқот ва ҳамкорликни ривожлантиришни тақозо этмоқда. Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ) бу борада кенг ва қулай имкониятлар яратмоқда.*

# МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА МУЛОҚОТ

Янги тарихий ва геоиқтисодий шароитда ташкилотга аъзо ва кузатувчи давлатлар ўртасидаги интеграция ҳаракатларини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Эътибор берилса, ТДТнинг интеграция жараёнлари, биринчи навбатда, савдо-иқтисодий, туризм, энергетика, транспорт ва транзит ҳамда маданий-гуманитар соҳаларда фаол ривожланмоқда.

Айниқса, транспорт, энергетика ва туризм соҳаларида турли лойиҳаларнинг фаоллаштирилиши ташкилотнинг иқтисодий аҳамиятини биринчи ўринга олиб чиқмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат, ушбу ташкилот барча аъзо ва кузатувчи давлатлар учун ишончли ва жозибадор бўлиб қолмоқда. Сабаби Туркий давлатлар ташкилоти халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойиллари ва нормаларига, шу жумладан, суверен тенглик, ҳудудий яхлитлик ва халқаро миқёсда тан олинган чегараларнинг дахлсизлиги, ички ишларга аралашмасликка асосланган, очиқ ҳамда учинчи давлатлар ва ташкилотларга қарши йўналтирилмагандир. Яъни у бошқа минтақавий платформалар ва ташаббусларни тўлдиради. Ташкилотнинг моҳияти шундаки, унда ҳеч қандай геосиёсий ёки блокли рақобат унсурлари мавжуд эмас, низом ва концептуал ҳужжатларида ҳарбий қисмлар йўқ.

Кейинги йилларда Ўзбекистон билан туркий дунё мамлакатлари ўртасидаги муносабатлар тубдан ўзгарди, инқилобий ташаббуслар илгари сурилиб, муҳим қарорлар қабул қилинди.

Маълумки, 2019 йил сентябрь ойида Нахичеван битимини *(2009 йил 3 октябрь)* ратификация қилган Ўзбекистон ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди. Ўша пайтдан бошлаб Ўзбекистон ТДТ билан ўзаро ҳамкорлик бўйича аниқ ташаббусларни илгари сурди.

Президентимиз ТДТ доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган 35 дан ортиқ аниқ ташаббусларни илгари сурган бўлиб, бугунги кунга қадар 20 дан ортиқ ташаббуслар рўёбга чиқарилди.

Шуларнинг айримлари ҳақида қисқача тўхталсак. 2021 йил июнь ойида ТДТга аъзо давлатлар туризм вазирларининг 6-йиғилиши бўлиб ўтди. Қўқон 2022 йилда "Турк дунёсининг туризм пойтахти" деб эълон қилинди, "Табаррук зиёрат" лойиҳаси ишга туширилиб, туризм бўйича "Йўл харитаси" қабул қилинди, Ўзбекистонда Ёш тадбиркорлар форуми ташкил этилиб, унинг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди, транспорт ва божхона тартиб-таомилларини рақамлаштириш бўйича лойиҳалар амалга оширилди.

Айни чоғда Туркий давлатлар ташкилоти мамлакатлари олдида кўрсаткичи имконият даражасидан паст бўлган минтақалараро савдо соҳасида жиддий силжишни бажариш масаласи турибди. Самарқанддаги саммит доирасида қабул қилинадиган аъзо давлатлар ўртасида савдо-сотиқни соддалаштириш стратегияси, шубҳасиз, бу кўрсаткични бир неча баробар оширишга йўл очади.

Шунингдек, ТДТ мамлакатлари ягона платформа доирасида бўлажак инвестициявий ҳамкорлик параметрлари доирасида Инвестиция жамғармасини таъсис этиш мақсад қилинган. Бу эса ташкилотнинг ҳамкорликнинг янги, янада илғор босқичига ўтиш кўрсаткичидир.

Ўзбекистоннинг 2022-2023 йилларда Туркий давлатлар ташкилотига раислиги доирасида юртимизда илк бор ўтказилган ушбу саммитда илгари сурилган янги ташаббуслар кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантиришга ҳал қилувчи таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

**Фирдавс ШАРИПОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ЕВРОПА МУНОСАБАТЛАРИ

## ИЗЧИЛЛИК БИЛАН СТРАТЕГИК ХУСУСИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА

*Ўзбекистоннинг халқаро ва минтақа миқёсида илгари сураётган ташаббуслари ҳамда дўстона ва тинчликпарвар ташқи сиёсати туфайли Марказий Осиё йирик давлатлар ва нуфузли халқаро тузилмалар учун тобора жозибадор аҳамият касб этмоқда. Улар орасида Европа Иттифоқи алоҳида ўрин тутади.*



### Таҳлил

Хусусан, яқинда Қозоғистон пойтахтида "Марказий Осиё — Европа Иттифоқи" саммитининг биринчи марта ўтказилиши, Европа кенгаши Президенти Шарль Мишелнинг юртимизга амалга оширган ташрифи сиёсий мулоқотнинг юқори даражасига эришилгани, шунингдек, Марказий Осиёнинг барқарор тараққиёт ва хавфсизликни таъминлашнинг глобал архитектурасидаги ўрни ошиб бораётганидан далолат беради.

Аввало, минтақамизнинг географик жойлашуви, унинг Европа ва Осиёни бирлаштиришдаги ҳал қилувчи роли, улкан энергетик ресурслари, шунингдек, сезиларли бозор салоҳияти, айниқса, 35 фоиздан ортиғи 15 ёшдан кичик бўлган 70 миллиондан зиёд аҳолиси борлиги ЕИнинг минтақага қизиқиши ортиб бораётгани сабабларидан бири, десак, хато бўлмайди.

Иккинчидан, халқаро ҳамжамият, шу жумладан, Европа оиласи янги Ўзбекистонда ислоҳотлар, демократик янгиланиш ва инсон ҳуқуқлари ҳимояси ортга қайтмас тус олганига ишонч ҳосил қилди. Қонун устуворлиги, фуқаролик жамияти институтларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, инсон ҳуқуқлари ва гендер тенгликни, сўз ва эътиқод эркинлигини таъминлаш борасида Ўзбекистон жуда илгарилаб кетди. Хусусан, Европа кенгаши Президенти Ўзбекистон раҳбариятининг гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизлар, ёшлар ва болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қўллаб-қувватлаш масалаларига эътибори ортиб бораётганини мамнуният билан таъкидлади ҳамда ЕИ ушбу соҳалардаги лойиҳа ва дастурларни амалга оширишга ҳар томонлама кўмакни давом эттиришга тайёрлигини билдирди.

Учинчидан, Ўзбекистон яхши қўшничилик ва минтақавий шериклик масаласини қатъий илгари сурмоқда. Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар натижасида Марказий Осиёда мутлақо янги сиёсий муҳит вужудга келди. Бир неча ўн йиллар мобайнида йиғилиб қолган, ечими топилишига ҳеч ким ишонмай қўйган кўплаб муаммолар бир неча йил давомида бартараф этилди. Натижада Европада Марказий Осиёнинг келажагига ишонч ортди. Энди улар бемалол, қўрқмасдан минтақага сармоя киритишга жазм қилмоқда. Чунки олти йил олдин минтақадаги алоҳида мамлакатлар билан чегараларимиз ёпиқ эди. Ўзаро савдо амалда ривожланмай қолди. Бугун вазият тубдан ўзгарди. Ўзбекистон ташаббуси билан визасиз режим жорий қилинди, барча ўтказиш пунктлари очилди. Ўзбекистон ва минтақа мамлакатлари ўртасидаги товар айланмаси 10 баробар ўсди. Кооперация алоқалари кучайиб бормоқда, йирик лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестиция компаниялари ва бошқа молиявий воситалар фаолияти йўлга қўйилди. Албатта, минтақада ҳали ҳам ўз ечимини топмаган масалалар бор. Бироқ кучли сиёсий ирода ва умумий интилиш қардош мамлакатлар ва халқларни янада яқинлаштиришга ундайди. Шу нуқтаи назардан, Европа Иттифоқи мазкур эзгу мақсадларга эришишни қўллаб-қувватлашга аҳд қилган.

Ўзбекистон Европа Иттифоқи билан "Марказий Осиё — ЕИ" форматида фаол мулоқот олиб бораётир. Эътиборлиси, шу йилнинг 17-18 ноябрида Самарқанд шаҳрида "Европа Иттифоқи — Марказий Осиё" барқарор ўзаро алоқадорлик бўйича конференция ва вазирлар даражасида учрашув ўтказилади. Иккита нуфузли тадбирнинг бирданига Самарқандда ўтказилиши Ўзбекистоннинг ЕИ учун муҳим аҳамиятга эгалигидан далолат. ЕИ билан ҳамкорлик даражасининг ошиши халқаро муносабатлар тизимида Марказий Осиёнинг мустақил фактор сифатидаги субъективлигининг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Европа Иттифоқи Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида Ўзбекистонда амалга амалга оширилаётган ислоҳотлар дастурини ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Сўнгги беш йил мобайнида расмий Брюссель молиявий ва техник ёрдам воситасида Ўзбекистондаги ислоҳотлар дастурини бир неча бор дастаклашини маълум қилди.

Олий даражадаги мулоқот чоғида Ўзбекистон ва ЕИ ўртасидаги муносабатларда янги саҳифа очадиган, сиёсат, иқтисодиёт, хавфсизлик ва инсон капитали йўналишларидаги масалаларнинг кенг доираси бўйича ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим дастлабки босқичда имзолангани олқишланди. Энди гап келишувни якуний босқичда имзолаш ва ратификация қилишда қолди.

Ўзбекистон ва ЕИ институционал ислоҳотлар ва барқарор тараққиёт масалалари билан боғлиқ соҳаларда ҳам фаол ҳамкорлик қилмоқда. Жумладан, 2022 йилнинг мартида Ўзбекистон вазирликлари ва идоралари ҳамда ЕИ мамлакатлари дипломатик ваколатхоналари иштирокида 2021 — 2027 йилларга мўлжалланган Кўп йиллик индикатив дастурни ишга тушириш юзасидан конференция бўлиб ўтди. Конференция давомида қишлоқ хўжалиги ва "яшил ўсиш"ни қўллаб-қувватлаш, сармоявий муҳитни такомиллаштириш, шунингдек, Оролбўйи минтақасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш соҳаларида лойиҳаларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Шу йилнинг охиригача Орол денгизининг қуриган тубида 27 минг туп дарахт кўчати экиш йўли билан Оролқум ва Қорақалпоғистоннинг яқин аҳоли пунктларидаги чўлларни кўкаламзорлаштириш бўйича "Орол денгизидаги менинг боғим" лойиҳаси ҳам муҳим режалардан саналади. Таъкидлаш жоизки, ЕИ Оролбўйи минтақасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларини ҳал қилишга кўмаклашмоқда. Хусусан, "Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фондига ЕИнинг ҳиссаси" номли техник-молиявий кўмак доирасида 5,2 миллион евро миқдоридаги лойиҳа амалга оширилмоқда.

Албатта, бу билан чекланиб бўлмайди. Европа Иттифоқи "яшил тараққиёт" соҳасида Ўзбекистоннинг асосий ҳамкори ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари Европа томонини минтақамизда қабул қилинган "Яшил кун тартиби" дастурини, эко-инновациялар, энергия самарадор ва ресурстежамкор технологияларни кенг жорий этиш; иқтисодиёт тармоқларини рақамлаштириш; "Smart-AKIS" Европа тармоғи ёрдамида "ақлли" қишлоқ хўжалигини ривожлантириш; қайта тикланувчи энергия манбалари имкониятларини ишга солиш каби аниқ йўналишларни амалга оширишда фаол иштирок этишга чақирди. Шу нуқтаи назардан, келгуси йил февраль ойида Римда атроф-муҳит ва сув ресурслари бўйича "Европа Иттифоқи — Марказий Осиё" мавзуида юқори даражадаги навбатдаги конференцияни ўтказиш таклифи қўллаб-қувватланди.

Давлатимиз раҳбари гуманитар соҳада ҳамкорликни таълим ва инновация алмашувлари, маданий ва сайёҳлик алоқалари йўналишларида фаоллаштириш зарурлигига эътиборни қаратди. Таълим соҳасида "Erasmus+" ва "Европа горизонти" дастурлари эътиборга молик.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги 25 йил мобайнида Европа Иттифоқи билан биргаликда Ўзбекистоннинг 55 та олий ўқув юрти ва ЕИга аъзо мамлакатларнинг 71 та олий ўқув юрти иштирокида "Темпус" таълим дастури доирасида қиймати 32,2 миллион евролик 80 дан зиёд лойиҳалар амалга оширилди.

Ҳозирги вақтда республикамиздаги 43 та ОТМ ва 58 та Европа олий таълим муассасаси иштирокида 18 та лойиҳанинг ижросини амалга ошириш давом этмоқда. Жорий йилда Ўзбекистон ОТМ иштирокида бюджети 4,5 миллион евролик 7 та лойиҳа танлаб олинди. Унда Ўзбекистондан 24 та, ЕИдан 18 та, Марказий Осиё давлатларидан эса 19 та олий таълим муассасалари қатнашмоқда.

Туризм соҳасида ҳам йирик имкониятлар мавжуд. Европа давлатлари жаҳон туризм тармоғида мутлақо етакчи ҳисобланади. Улар тарихий мерос объектларини асраб-авайлаш ва реконструкция қилиш, замонавий инфратузилмани яратиш ҳамда сайёҳлар оқимини бошқариш бўйича катта тажрибага эга. Шунинг учун Президентимиз Остона саммитида келгуси йилда Хива шаҳрида ўтказиладиган "Европа Иттифоқи — Марказий Осиё" биринчи туризм форуми доирасида Европанинг етакчи операторлари эътиборига умумий минтақавий туризм маҳсулотлари концепциясини тақдим этишни таклиф қилди. Бундай тадбирлар Европа ва минтақамиз халқлари ўртасида бир-бирини яхшироқ тушуниш ва гуманитар алоқаларни мустаҳкамлашга замин яратади.

Ўзбекистоннинг ЕИ билан муносабатларида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик марказий ўрин тутади. 2021 йилдан Ўзбекистон учун Европа Иттифоқининг барқарор ривожланиш ва самарали бошқарув бўйича махсус преференциялар тизими (GSP+) кучга кириши савдо айланмасининг ижобий динамикасига кўмаклашди. "GSP+" тизимининг бенефициар аъзоси сифатида Ўзбекистоннинг матолар, кийим-кечак ва пластик маҳсулотлар каби бир қатор муҳим экспорт товарларига тарифларнинг бекор қилиниши экспортнинг ўсиши ва мамлакатимизга қўшимча сармоялар жалб этилишига имкон беради. Барқарор тараққиёт соҳасида "GSP+" олдидаги мажбурият Ўзбекистоннинг ишончли ва узоқни кўра оладиган иқтисодий шерик сифатидаги позициясини янада мустаҳкамлайди.

"GSP" доирасида Ўзбекистоннинг преференциялардан фойдаланиш даражаси ҳозирги вақтда 87 фоизни ташкил этади. Қисқартирилган имтиёздан энг кўп фойдаланаётган маҳсулотлар таркибидан тўқимачилик, кийим-кечак, пластик маҳсулотлар, шунингдек, мева-сабзавот ва ёнғоқ ўрин олган.

Бугунги кунда савдо соҳасида сезиларли ўсиш динамикаси кузатилмоқда. Агар 2016 йилда товар айирбошлаш тахминан 1,98 млрд. долларни ташкил этган бўлса, 2021 йилда маҳсулот айирбошлаш икки маротаба ўсиб, 3,89 млрд. долларга етди. Кўрсаткичлар бу билан тўхтаб қолгани йўқ. 2022 йилнинг январь — сентябрь ойларида маҳсулот айирбошлаш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 15 фоизга ошди ва 3,1 млрд. доллардан (+14,8 фоиз) иборат бўлди.

2016 йилда ЕИ томонидан қабул қилинган "Тўқимачилик протоколи" текстиль маҳсулотлари экспорти сезиларли ошишига имкон берди. Биргина 9 ойлик якунларига кўра, тўқимачилик маҳсулотлари экспорти 89,3 фоизга ўсиб, Ўзбекистоннинг ЕИга экспортида 25,6 фоизни ташкил этди.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, "Тўқимачилик протоколи" 2017 йилнинг 1 июлидан кучга кирган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ва ЕИ ўртасидаги шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги келишувнинг таркибий қисми ҳисобланади. Ҳужжат ЕИнинг ўзбек текстиль товарларига нисбатан қўлланиладиган транзит, божхона ва солиқ тўловларига нисбатан имтиёзлар тартибини белгилайди, шу билан бирга, бу турдаги маҳсулотлар билан савдода чекловларни олиб ташлайди.

Европалик инвесторларнинг минтақага қизиқиши ҳам тобора ортиб бораётир. Бу Европа мамлакатлари капитали иштирокида қўшма корхоналар сонининг ўсиш суръатида яққол намоён бўлмоқда. Агар 2017 йилда ЕИ мамлакатлари капитали иштирокидаги корхоналар сони 440 тани ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб бу рақам 1 минг 52 тага етган.

Ҳақиқатан ҳам, мамлакатларимиз "GSP+" имтиёзли савдо тизимига қўшилганидан сўнг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан товар айланмасининг ўсиши кузатилди. Аммо умумий рақамлар мавжуд улкан имкониятларга ҳозирча мос келмайди.

Гап шундаки, Европа бозорларида тайёр, хомашё бўлмаган товарлар номенклатураси билан муносиб рақобат қилиш учун айрим чоралар кўрилиши керак. Яъни Президентимиз таъбири билан айтганда, бу — саноат маҳсулотларининг Европанинг юқори стандартлари ва техник регламентларига мувофиқлигини таъминлашдан иборат.

Иккинчидан, Европа Иттифоқи бозорларига чиқиш учун энг мақбул самарали транспорт-логистика коридорларини яратиш, энг аввало, Транскаспий мультимодал маршрутини ривожлантириш.

Учинчидан, европалик истеъмолчилар ўртасида Марказий Осиё мамлакатлари маҳсулотларининг танилиши ва харидоргир бўлиши учун қўшма маркетинг тадқиқотлари ҳамда мақсадли тадбир ва акциялар ўтказиш.

Бундан ташқари, Европа инвестициялари ва технологияларини минтақага жалб этишга кўмаклашиш. Ушбу масалаларни тизимли равишда ҳал қилиш учун давлатимиз раҳбари Остонадаги саммитда Бош вазир ўринбосарлари даражасида "Европа Иттифоқи — Марказий Осиё" Иқтисодий ҳамкорлик қўмитасини таъсис этишни таклиф қилди. Мазкур тузилма фаолияти доирасида "Глобал дарвоза" ташаббусининг мақсад ва вазифаларини қамраб олган ҳолда, савдо-иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш ва ўзаро транспорт-коммуникация боғлиқлигини ривожлантириш бўйича узоқ муддатли стратегик дастурни ишлаб чиқиш кўзланмоқда. Қўмитанинг биринчи учрашувини эса келгуси йили баҳорда Самарқандда ўтказиш таклиф қилинди.

Евроиттифоқ Ўзбекистоннинг Афғонистонда вазиятни барқарорлаштириш, Марказий ва Жанубий Осиё ўртасида ўзаро боғлиқликни тиклашга қаратилган сиёсатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани ҳам эътиборли.

Бунинг исботи ўлароқ, ЕИнинг олий мартабали вакиллари минтақада уюштирилган Афғонистонга тааллуқли барча тадбирларда иштирок этишмоқда. Масалан, 2018 йили Европа Иттифоқининг хорижий ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича олий комиссари Федерика Могерини "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий ҳамкорлик" халқаро конференциясида маъруза билан қатнашди. Ёки 2021 йили ЕИнинг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Тери Хакала "Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик" анжуманида иштирок этди. Ва ниҳоят, 2022 йили "Афғонистон: хавфсизлик ва халқаро тараққиёт" Тошкент анжуманида ЕИнинг Афғонистон бўйича махсус вакили Т. Никлассон қатнашди.

Умуман, 2021 йилдан бери Афғонистон бўйича Марказий Осиё ва ЕИ махсус вакилларининг ўзаро ҳамкорлиги фаоллашди, минтақавий платформа ташкил этиш ҳамда Кобулга ва қўшни мамлакатларга уч йил мобайнида 1,2 миллиард евро ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қарорлар қабул қилинди.

> *Халқаро ҳамжамият, шу жумладан, Европа оиласи янги Ўзбекистонда ислоҳотлар, демократик янгиланиш ва инсон ҳуқуқлари ҳимояси ортга қайтмас тус олганига ишонч ҳосил қилди. Қонун устуворлиги, фуқаролик жамияти институтларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, инсон ҳуқуқлари ва гендер тенгликни, сўз ва эътиқод эркинлигини таъминлаш борасида Ўзбекистон жуда илгарилаб кетди. Хусусан, Европа кенгаши Президенти Ўзбекистон раҳбариятининг гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизлар, ёшлар ва болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қўллаб-қувватлаш масалаларига эътибори ортиб бораётганини мамнуният билан таъкидлади ҳамда ЕИ ушбу соҳалардаги лойиҳа ва дастурларни амалга оширишга ҳар томонлама кўмакни давом эттиришга тайёрлигини билдирди.*

Хулоса ўрнида айтганда, Марказий Осиё минтақаси Европа Иттифоқи учун изчиллик билан стратегик хусусият касб этмоқда. Бу кўп жиҳатдан минтақа давлатларининг яхши қўшничилик, конструктив мулоқот ва умумий муаммоларни мулоқот йўли билан ечишга қаратилган расмий Тошкентнинг янги минтақавий сиёсати атрофида жипслашуви билан изоҳланади.

**Гулчеҳра АЛЛАЕВА,**
**Тошкент давлат техника университети Саноат иқтисодиёти ва менежменти кафедраси мудири, и.ф.д. (DSc), профессор.**

## 16 ноябрь — Халқаро бағрикенглик куни

# МАМЛАКАТ БАРҚАРОРЛИГИ КАФОЛАТИ

*Марказий Осиёда, хусусан, мамлакатимиз ҳудудида азалдан турли маданият, тил, урф-одат, турмуш тарзига эга бўлган, хилма-хил динларга эътиқод қилган халқлар яшаб келган.*

*Ўзбекистоннинг жуғрофий-сиёсий жиҳатдан муҳим савдо йўллари чорраҳасида жойлашгани, кўплаб давлатлар билан иқтисодий, маданий алоқаларни йўлга қўйгани диний ва маданий ҳаётга катта таъсир кўрсатган. Ўз навбатида, бу ерда яшаган туб аҳолининг маданияти ҳам уларга таъсир ўтказган ва ўзига хос турмуш тарзини шакллантиришда муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилган.*



"Толерантлик" ибораси ўзбек тилида "бағрикенглик", "чидамоқ", "сабр қилмоқ" деган маъноларни англатиб, инсоннинг шахсий тушунчаларидан қатъи назар, муайян фикр ёки қарашларни имкон қадар тоқат билан қабул қилишни англатади. Бу тушунча деярли барча тилларда бир хил ёки бир-бирини тўлдирувчи маъно касб этади, яъни мурувватлилик, ҳимматлилик, кечиримлилик, меҳрибонлик, ҳамдардлик каби маъноларда ҳам қўлланади.

Халқаро ташкилотлар орасида энг нуфузлиси ҳисобланган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1945 йилда қабул қилинган Уставида давлатларнинг ўзаро бағрикенглик руҳида, яхши қўшничилик кайфиятида яшаши, халқаро тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашда ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилиши асосий мақсадлардан бири экани алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Бугунги глобаллашув жараёнида жамиятда диний бағрикенгликни таъминлаш жаҳон ҳамжамияти олдида турган долзарб вазифалардан бирига айланган. Ушбу вазифани амалга ошириш юзасидан БМТнинг Фан, таълим ва маданият ишлари бўйича ташкилоти — ЮНЕСКО томонидан 70 дан зиёд халқаро ҳужжатлар, жумладан, 1995 йил 16 ноябрда Бағрикенглик тамойиллари Декларациясининг қабул қилингани ҳам ушбу масаланинг нақадар долзарб эканини кўрсатади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 130 дан зиёд миллатлар ва элатлар, 16 та диний конфессия, 153 та миллий-маданий марказ мавжуд бўлиб, улар ўртасида бағрикенглик тамойилларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Турли динларга мансуб қадриятларни асраб-авайлаш, барча фуқароларга эътиқод қилиш ҳамда ибодатларни эмин-эркин адо этиш учун зарур шароитлар яратиб бериш, динлар ва миллатлараро ҳамжиҳатликни янада ривожлантириш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, БМТ Бош Ассамблеясининг 2018 йил 12 декабрь куни бўлиб ўтган ялпи мажлисида Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган ҳужжат лойиҳаси асосида "Маърифат ва диний бағрикенглик" резолюцияси қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилди. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам турли миллат ва элатлар, диний конфессиялар вакиллари ўртасидаги тинчлик-барқарорлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатликни асраб-авайлаш, янада сайқаллаштириш устувор масала сифатида белгиланган.

Маълумки, ҳар бир дин ўз издошларини миллати, ирқи ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, бирдамликка, ўзаро яхшилик қилишга ундайди. Ислом динидаги "жамоатдан ажралмаслик", "одамлар тенг ҳуқуқлилиги" ғоялари бунинг ёрқин мисолидир. Барча инсонлар жинси, ирқи, ранги, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, баробар ҳисобланади. Бу ҳақда ҳадисларда: *"Инсонлар тароқ тишлари каби тенгдирлар. Арабнинг бошқа халқлардан, оқнинг қорадан, эркакнинг аёлдан устунлиги йўқ. Фақат, тақвода холос"*, дейилган.

Қуръонда Рум сурасининг 22-оятида одамларнинг тили ва рангидаги фарқлар Яратганнинг мўъжизаси экани таъкидланган. Миллий ва диний ранг-барангликва ҳамда эътиқод эркинлигини қарор топтириш масалаларида Қуръон бутунлай бағрикенглик руҳи билан суғорилган, десак, муболаға қилмаган бўламиз. Аллоҳ дастлаб одамзодни бир уммат қилиб яратганди, сўнгра уларни турли қабила, халқ ва динларга ажратди. Бундай ранг-барангликдан мақсад — инсонларни умумий фаровонлик йўлида ўзаро мусобақалашишга тарғиб қилишдан иборатдир.

**"Агар Раббингиз хоҳласа эди, Ер** (юзи)**даги барча кишилар ёппасига имон келтирган бўлур эдилар. Бас, Сиз одамларни мўмин бўлишларига мажбур қиласизми?!"** *(Юнус сураси, 99-оят)* оятидан динларнинг турли-туманлиги Яратган томонидан ўрнатилгани, уни бекор қилиш ёки ҳаммани бир дин байроғи остида зўрлаб бирлаштириш мумкин эмаслиги маълум бўлади.

Бағрикенглик масаласида пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ислом умматигагина эмас, бутун инсониятга намуна бўлдилар. Нажрондан Мадинага ташриф буюрган насронийлар жамоаси ўз ибодатларини бажариб олишлари учун Расулуллоҳ алайҳиссалом Масжиди набавийни ажратиб берганлари тарихдан маълум. Шунингдек, у зот аҳли китобдан бўлган қўшнилари билан яхши муносабатда бўлар, ҳадя бериб, улардан ҳам турли ҳадялар қабул қилардилар. Қўшничилик одоблари, уларга яхшилик қилиш борасида Расулуллоҳ алайҳиссаломдан кўплаб ҳадислар ворид бўлган.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан шундай ривоят қилинади: *"Ким Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган бўлса, қўшнисига яхшилик қилсин"*. Уламолар мазкур ҳадисларни ўрганиб чиқиб, яхшилик фақат мусулмон қўшнига эмас, балки бошқа дин вакилига ҳам бирдек қилинади, дейдилар. Бу борада қуйидаги ривоят нақл қилинади: Бир куни саҳобийлардан Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу хизматкорига бир қўй сўйишни буюради. Хизматкор ишга киришгач унга: "Қўйни сўйиб бўлгандан кейин, уни тарқатишни яҳудий қўшнимиздан бошлагин", деб такрор-такрор таъкидлаб, сўнг "Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг: *"Жаброил менга қўшничилик ҳаққи борасида шу даражада кўп кўрсатма бердики, мен қўшни ҳам мерос олса керак, деб ўйлаб қолдим"*, деганларини эшитганман, дедилар.

Қуръонда олам барча халқ ва дин вакиллари тинч-тотув яшайдиган заминдир, деб эълон қилинган. Умуман олганда, Қуръони каримнинг элликдан ортиқ сураларидаги юзлаб оятларда мусулмонлар мўмин-қобиллик, тинчликпарварлик ва бошқа эътиқод вакилларига нисбатан бағрикенгликка даъват этилган. Демак, ислом дини азалдан инсониятга асл мурувватни, ҳатто ўзга дин вакилларига эҳтиром ҳамда бағрикенглик билан муносабатда бўлишни ўргатиб, улар билан тинч-тотув яшашга, фитна ва турли адоватларга барҳам беришга чақирган.

Таассуфки, бугунги кунда диндан ўзаро адоват уйғотиш ҳамда айирмачилик мақсадида фойдаланишга уринаётган кучлар мавжуд. Бунда улар асрлар оша бир ўлкада яшаб келган турли халқлар ҳамда дин вакиллари ўртасида низо уруғини сочиш орқали жамиятда ижтимоий вазиятни издан чиқариш, шу йўл орқали давлат ҳокимиятини қўлга киритишдек манфур мақсадни кўзлаб иш олиб бормоқда.

Ислом олами лигасининг "Исломда тинч-тотув яшаш" мавзуидаги конференциясининг якунловчи баёнотида шундай келтирилади: *"Ислом дини барча миллат, халқ ва давлатлар ўртасида тинч-тотув яшашга буюради ва қуйидагиларни муҳим деб ҳисоблайди:*

— исломнинг энг юксак ғояси бўлган тинчликни тарғиб қилиш ва инсонлар хавфсизлигини таъминлаш;

— инсон шаънини улуғлаш ва унинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш;

— ўзгаларни динга мажбурламаслик ва уларга нисбатан адолатсиз бўлмаслик.

Асрлар мобайнида ўлкамизнинг шаҳару қишлоқларида масжид, черков ва синагогалар эмин-эркин фаолият кўрсатиб, турли миллат ҳамда динга мансуб қавмлар ҳамжиҳатликда ўз диний маросимларини адо этиб келишган. Тарихимизнинг энг мураккаб, оғир даврларида ҳам улар ўртасида диний можаролар кузатилмаган. Бу борада Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, **бизнинг қадимий ва саховатли заминимизда кўп асрлар давомида турли миллат ва элат, маданият ва дин вакиллари тинч-тотув яшаб келган. Меҳмондўстлик, эзгулик, қалб саховати ва том маънодаги бағрикенглик бизнинг халқимизга доимо хос бўлган ва унинг менталитети асосини ташкил этади.** Бу эса миллати ва динидан қатъи назар, инсонни ардоқлаш, ўзгаларни қадрлаш, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат кўрсатиш каби туйғулар ўлка аҳолисининг қон-қонига сингиб кетганидан далолат беради. Айнан шу сифатлар халқимизга хос бўлган бағрикенгликнинг маънавий асосини ташкил қилади.

Бой тарихий тажрибанинг давоми сифатида бугунги кунда ҳам юртимизда турли миллат ва элат вакиллари ҳамда ўндан ортиқ диний конфессияга эътиқод қилувчи шахслар бир оила фарзандларидек аҳил-иноқ яшаб келмоқда. Уларнинг урф-одатлари, анъана ва қадриятларининг ривожланиши, таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, жамият ҳаётининг барча жабҳасида фаолият кўрсатишида мамлакатимиздаги тинчлик-барқарорлик, миллатлараро тотувлик, айниқса, тинчликсевар халқимизнинг бағрикенглиги муҳим омил бўлмоқда.

Маълумотларга кўра, Ер юзида мавжуд икки юзга яқин давлатларда 7 минг тил ва лаҳжада сўзлашувчи 7,7 миллиард аҳоли истиқомат қилади. Жаҳоннинг этник харитасига назар ташласак, бугунги кунда дунёда бир неча юздан тортиб бир неча юз миллионгача издошларга эга бўлган турли динларга эътиқод қилувчи 2 мингга яқин миллат ва элатлар яшаётганининг гувоҳи бўламиз. Шундай экан, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик, ўзаро ҳурмат ва дўстона алоқаларни ўрнатиш дунёда барқарорлик ҳамда осойишталикни таъминлашнинг асосий омили бўлиб қолаверади.

**Жамолиддин КАРИМОВ,**
**Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори.**

# МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТДАН ҚАЙТГАН ФУҚАРОЛАР БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНЯПТИМИ?

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ЎзХДП фракцияси ҳамда Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ҳамкорлигида қўшма йиғилиш ўтказилди.*

## Эшитув

Унда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган фуқароларни иш билан таъминлаш борасида амалга оширилган ишларнинг Сурхондарё, Фарғона ва Тошкент вилоятлари мисолида назорат-таҳлил тартибида ўтказилган ўрганишлар якуни юзасидан бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Н. Ҳусановнинг ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган фуқароларни ишга жойлаштириш мақсадида ўтган йилда республика бўйича 2 358 та бўш иш ўрни ярмаркалари ўтказилган. Уларда 73 146 та корхона ҳамда ташкилот 567,2 мингта бўш (вакант) иш ўрни билан қатнашган ва 2 минг нафарга яқин муддатли харбий хизматни ўтаб қайтган шахслар иштирок этиб, 212 нафари ишга жойлаштирилган.

"Аҳоли бандлиги тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, 2020-2021 йилларда туман (шаҳар) ҳокимларининг тегишли қарорларига асосан 16 мингта захираланган иш ўрнига муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган 442 нафар фуқаро жойлаштирилган. Уларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши ва деҳқон хўжаликларида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, қадоқлаш мақсадида мини-ускуна ва хомашёлар харид қилиш орқали бандлигини таъминлаш мақсадида жамғармалар томонидан субсидия маблағлари ажратиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган фуқароларга ҳарбий қисм қўмондонлиги томонидан олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун 2020-2021 йилларда 9 852 та тавсиянома берилган. Улар асосида 2 129 нафар фуқаро олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинган.

Эшитувда Қуролли Кучлар сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган фуқароларнинг иш билан таъминланиши борасида амалга оширилган ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда, тизимли муаммо ва камчиликлар ҳам мавжудлиги депутатлар томонидан таъкидлаб ўтилди.

Хусусан, муддатли ҳарбий хизматдан қайтган фуқароларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида ҳокимликлар ҳузурида ташкил этилган ҳудудий комиссиялар фаолияти талаб даражасида йўлга қўйилмаган. Шунингдек, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган фуқароларни касбга тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишини таъминлаш мақсадида ускуналар олиш ва уларни давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ харажатлар учун жамғарма маблағлари ҳисобидан субсидиялар ўз вақтида тўлиқ ажратилмаган. Натижада ҳарбий хизматдан қайтган бир қанча фуқаролар иш билан таъминланмаган.

Эшитувда муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган фуқароларни иш билан таъминлашда олиб борилаётган ишлар кўламини янада кучайтириш, соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, бу борада таъсирчан парламент назоратини олиб бориш вазифалари акс этган қўшма қарор қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ЖАҲОН СТАНДАРТЛАРИГА МОС

*Қорақалпоғистон Республикасида янги таҳрирдаги Меҳнат кодексининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятига бағишланган семинар ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Зуҳра Ибрагимова, сенаторлар, вазирлик ва идоралар вакиллари ҳамда корхона ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.*

## Семинар

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда Ўзбекистонда меҳнат муносабатларига нисбатан янгича ёндашувлар юзага келди. Мулкдорлар ва иш берувчиларнинг сони кескин ошди. Ҳатто жисмоний шахсларга ҳам иш берувчи мақоми берилди. Буларнинг барчаси меҳнат бозорида янги ислоҳотларни талаб этади.

Бундай шароитда меҳнат қонунчилигини модернизация қилиш билан боғлиқ вазифаларни амалга ошириш давр талаби ҳисобланади. Шу жиҳатдан янги Меҳнат кодекси лойиҳаси ишлаб чиқилди ва бу жараёнда 10 дан ортиқ халқаро ташкилотлар, жумладан, Халқаро меҳнат ташкилотининг қатор конвенциялари, 60 дан зиёд давлатлар тажрибалари ўрганилди.

Спикер ўринбосари З. Ибрагимова янги таҳрирдаги Меҳнат кодексининг аҳамияти ҳақида сўз юритар экан, унинг устида жуда узоқ вақт иш олиб борилганини таъкидлади. Бу табиий ҳол, албатта. Чунки Кодекс кичик ҳужжат эмас, айниқса, меҳнатга оид муносабатларни тартибга соладиган Кодекс ҳар томонлама мукаммал бўлиши лозим.

Янги Кодексда ходимларнинг шахсий маълумотларини ҳимоя қилишга бағишланган нормалар киритилди. Ушбу нормаларнинг амалга оширилиши ходимларнинг шахсий маълумотлари дахлсизлигига бўлган қонуний ҳуқуқларини тўлиқ ҳимоя қилиш имконини беради.

Шунингдек, қисман иш ҳақи билан таътил бериш тартиби белгиланди. Бу эса экстремал вазиятларда, шу жумладан, пандемияга қарши чораларни амалга оширишда мослашувчанликни таъминлайди.

Илгариги Меҳнат кодексига асосан, йиллик асосий таътил муддати ўн беш иш кунини ташкил этарди. Янги тартибга биноан, йиллик асосий меҳнат таътили давомийлигининг энг кам муддати йигирма бир календарь куни этиб белгиланди ва халқаро стандартга мувофиқлаштирилди.

Семинарда сўз олганлар янги Кодексда ходим ва иш берувчининг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари жаҳон стандартларига тўлиқ мослаштирилган ҳолда белгилаб берилганини қайд этдилар.

Тадбирда иштирокчилар томонидан берилган саволларга депутатлар батафсил жавоб қайтарди.

**«Халқ сўзи».**

РЕКЛАМА

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

вакант (бўш) профессор-ўқитувчилар лавозимига танлов эълон қилади

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси | профессор |
| | | доцент |
| | | катта ўқитувчи |
| 2. | Технологик машиналар ва жиҳозлар | кафедра мудири |
| | | доцент |
| | | катта ўқитувчи |
| 3. | Муҳандислик графикаси ва механика кафедраси | кафедра мудири |
| | | профессор |
| | | доцент |
| | | катта ўқитувчи |
| | | ассистент |
| 4. | Меҳнат муҳофазаси ва экология кафедраси | кафедра мудири |
| | | профессор |
| | | доцент |
| | | катта ўқитувчи |
| | | ассистент |
| 5. | Ижтимоий фанлар ва жисмоний маданият | доцент |
| | | катта ўқитувчи |
| | | ассистент |
| 6. | Тўқима матолари технологияси | доцент |
| 7. | Йигириш технологияси | доцент |
| 8. | Костюм дизайни | кафедра мудири |
| | | профессор |
| | | доцент |
| 9. | Матбаа ва қадоқлаш жараёнлари технологияси | доцент |
| | | ассистент |
| 10. | Корпоратив бошқарув кафедраси | доцент |
| | | катта ўқитувчи |
| | | ассистент |
| 11. | Чарм буюмларни конструкциялаш ва технологияси | доцент |
| | | катта ўқитувчи |
| 12. | Кимёвий технология | доцент |
| | | ассистент |
| 13. | Тикув буюмларни конструкциялаш ва технологияси | доцент |
| | | катта ўқитувчи |
| | | ассистент |
| 14. | Ўзбек ва хорижий тиллар | кафедра мудири |
| | | катта ўқитувчи |
| | | ассистент |
| 15. | Физика ва электротехника кафедраси | доцент |
| | | ассистент |
| 16. | Тўқимачилик материалшунослиги | доцент |
| | | катта ўқитувчи |
| 17. | Математика ва информатика | катта ўқитувчи |
| | | ассистент |
| 18. | Кимё | кафедра мудири |
| | | доцент |
| | | профессор |
| | | катта ўқитувчи |
| | | ассистент |
| 19. | Ипак технологияси | катта ўқитувчи |

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар ректор номига ариза билан кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, дипломлар ва аттестатлар нусхалари, илмий ишлар ва ихтиролар рўйхати, малака оширганлик тўғрисида ҳужжатлар нусхаларини топширади.

Аризалар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.

Эслатма: мазкур институтда ишловчи шахслар ўтган муддат бўйича кафедрада ҳисобот беради, танловда иштирок этувчилар синов дарслари ўтказади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Шоҳжаҳон кўчаси, 5-уй, 1-бино, 208-хона. Телефон: 71-253-17-78.**

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

**Жамиятнинг номи:** «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» акциядорлик жамияти.

**Жойлашган жойи:** 100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уй.

**Электрон почта манзиллари:** info@nbu.uz, webmaster@nbu.uz.

**Умумий йиғилиш ўтказиш санаси ва манзили:** 2022 йил 2 декабрь, соат 11.00. Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уй.

**Акциядорларнинг реестри шакллантириладиган сана:** 2022 йил 28 ноябрь.

**Кун тартибига киритилган масала:**

1. "Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки" акциядорлик жамиятининг 2022 йил якунлари бўйича МҲХСга мувофиқ тайёрланадиган консолидациялашган молиявий ҳисоботини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказиш учун ташқи аудиторлик ташкилотини белгилаш.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Умумий ва ноорганик кимё институти жамоаси институт директори, кимё фанлари доктори, профессор, Ахборотлаштириш халқаро академиясининг Қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар бўлими академиги

**Ҳасан ШАРИПОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1148. 13 670 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.45 Топширилди — 02.45 1 2 3 4 5 6